

МЕХР ВА САБР БИЛАН ЭРИШИЛГАН ЮТУҚ

● Одатда ютук, деганда кутиб юрилган мұваффақиятнинг түсат-дан содир бўлиши ёки бирор бир аниқ мақсадга етиш тушунилади.

Орамизда шундай инсонлар топилади-ки уларнинг ютугини кўриб ҳавас ва эктиром-ла боқасан киши. Мұхаббатхон Исмоилова ҳам иш фаолиятини ўзи учун том маънода меҳнатдаги ютук деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, кўп йиллик иш жараёнини фақат битта масканда олиб бориш том маънода қойил қоларли баҳо, назаримизда.

● Андикон шаҳрининг сўлим ерларидан бирида 1961 йил 21 майда бўлгуси дардларга дармон ҳамшира Мұхаббатхон Исмоилова дунёга келди. Тибиётга жўшқин қизиқиши туфайли дастлаб ўз шаҳридаги И.Г. Зияев номли тибиёт билим юртида ўқиди.

Уч йиллик ўқиш давомида аъло баҳолар билан тенгдошларининг ҳавасини келтирган, устозларини ишончига, меҳрига сазовор бўлган Мұхаббатхон 1979 йилда ўқишини тамомлаб, Андикон шаҳридаги Травматология шифононасида ҳамшира сифатида дастлаки иш фаолиятини бошлади. Ҳамшираликнинг нақадар нозик ва масъулиятида касб эканлигини ҳис этган Мұхаббатхон ўша даврданоқ беморлар ва ҳамкаслари хурматига сазовор бўлган эди. Кўлдан келганича инсонларга ёрдам беришни ўзига шиор қилиб олган Мұхаббатхон амалиёт давомида касб сирларини Дилбархон Фозилова, Мавлуда Кумрубоевалардан имкон қадар кўпроқ ўрганишга интилди ва уларни ўзига устоз, деб билди. Улардан ҳам ҳәтий, ҳам касбий кўникмалар олиб, соҳа сирларидан кўпроқ билишга ҳаракат қилди.

Йиллар кетидан, йиллар ўтиб Мұхаббатхон опа турмуш ўтроқлари Рустамжон aka билан икки ўғил бир қизни вояга етказишиди. Мұхаббатхон Исмоилова оиласда ҳам меҳрибон она ва баҳтили аёл. Қизлари Насибаҳонга ҳам она касбига бўлган меҳр, уни ҳамширалик ишида фаолият юритишга турткি бўлди. Насибаҳон ҳам меҳнатсевар, билимли ҳамшира.

Касбга меҳр ва фидойилик, хурмат билан қараган Мұхаббатхон малякаси ҳамда садоқати туфайли иш жамоаси томонидан юксак хурматга эга бўлди. Меҳнатлари зое кетмади, 1991 йилдан бошлаб реанимация бўлимида катта ҳамшира лавозимида иш фаолиятларини юрита бошладилар.

XATLAR



**Ассалому-алайкум,
«Ҳамшира» журнали
ижодкорлари!**

**Доимий мухлис сифатида
нашрнинг барча сонлари-
ни мунтазам кузатиб
бораман. Журнал саҳифа-
ларида ўз иходим билан
иштирок этиш мақсадида
шеърларимдан юборяп-
ман. Шеърларим журналда
чоп этилса ўзимни
бекад баҳтиёр сезардим.
Сизларга омад тилаб
қолувчи мухлисангиз**

Дилсора СУВОНОВА.

ЎТИНЧ

Аллоҳ тухфасидан,
беминнат баҳтдан
Бебаҳра айламанг
онажон, мени.
Чексиз меҳрингиздан,
чин мұхаббатдан
Оппоқ сутингиздан
айирманг мени!

Кўзларимга нурдир,
танимга дармон.
Қонаман меҳрингиз
мисоли-уммон.
Асл фарзандингиз бўлай
бекумон.
Меҳрингиздан айирманг мени!

Алп келбат, забардаст
ўғлонларингиз,
Тўмарис мисоли
гул қизларингиз.
Садоқат тимсоли
фарзандларингиз,
Зилол чашмангиздан
айирманг мени!

Керакмас ўзгача
хеч қайси таом,
На асал, на новвот
керакмас, тамом!
Менга керак фақат
Илоҳий инъом!
Бебаҳо инъомдан
айирманг мени!

**Дилсора СУВОНОВА,
Қашқадарё вилояти
Бешкент шаҳри.**



HAMSHIRA

ҲАМШИРАЛАР, ФЕЛЬДШЕРЛАР,
ФАРМАЦЕВТЛАР, ТИШ ДЎХТИРЛАРИ,
БАКАЛАВР, МАГИСТР ВА БОШҚА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ
УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН, УЧ ОЙДА БИР МАРТА
НАШР ЭТИЛАДИГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ,
ТИББИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

№2 (54) - 2011 й.

Бош муҳаррир:
Шуҳрат АТАХАНОВ

Ижрочи директор:
Абдукарим УСМАНХОДЖАЕВ

Бош муҳаррир мувовини:
Рихсхон САЛИХОДЖАЕВА

Масъул котиб:
Маъсуда ТУРАХАНОВА

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат АТАХАНОВ
Мавлуда ЗИЯЕВА
Муҳаррам МУРОДОВА
Салима НАЗАРОВА
Фарҳод ОКИЛОВ
Ибодат СОАТОВА
Рихсхон САЛИХОДЖАЕВА
Маъсуда ТУРАХАНОВА
Абдукарим УСМАНХОДЖАЕВ
Валихон ҲАКИМОВ
Отажон ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши:
Дамин АСАДОВ
Муродин ҚОДИРОВ

**Фарғона водийсидаги
журналнинг тарғибот бўлими:**
Андикон шаҳри,
Истиқлол қўчаси-9.
Директор Ўқтам Умурзоқов
Тел.: (8-998-72) 24-34-04.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, 100113,
Чилонзор-8, Қатортол қўчаси, 60-үй.
Тел: 273-47-82.
e-mail: hamshira@yandex.ru
e-mail: makad@yandex.ru

Босишига руҳсат этилди
ва топширилди: 04.06.2011.
Бичими: 60x80 1/8.
Шартли босма табоқ: 4,0.
Нашриёт босма табоғи: 3,72.
26236 нусха. Буюртма: №
Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигига
0132 рақами билан
рўйхатта олинган.

Материаллардаги муаллифнинг маълумотлари ҳаққонийлиги учун таҳририят жавобгар эмас. Журналдан кўчирив босилганда «Ҳамшира»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Мундарижа

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 16 марта
мартдаги 81-сонли бўйруги. Тибиёт коллежлари ўқувчилари учун
“Устоз-шогирд” анъаналарини жорий этиш тўғрисида 2

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 4
майдаги 141-сонли бўйруги 2

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 10 марта
70-сонли бўйруги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 5 марта “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил
касаллиги билан касалланиши камайтиришга доир қўшимча чора-
тадирилар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан 4

Фаҳриларга эктиром 9

Беморларга шифо улашиб
Б. Ҳидирова 10

Коллеж ва корхона: ҳамкорлик истиқболлари
Г. Ҳазраткулова 12

Иқдидорли ёшларнинг зафарли одимлари
М. Тураханова 13

Саломатлигимиз посбонлари
А. Усманходжаев 14

Ҳамширалик иши баённомалари (протоколлари) 16

Гипертония
Г. Абдураупова 19

Бош мия қон томир касаллiliklari 20

Таълимга эътибор - элга эътибор 22
Г. Турахонова

Чакалоклардаги корин оғриклири 24
Г. Бабажанова

Коллапс
С. Нуриддинов 25

Мониторинг ва ҳамширалик изланишлари
Р. Салиходжаева, Д. Урунова 26

Спазмофилия
Н. Толипова 28

Filword
Н. Рахимжонова 29

Исми муқаддам, жисми мукаррам
И. Раҳмон 30

Ёдимизда ҳамиша
А. Ильясов, М. Одилова, Д. Куҷарова 31

Мехр ва сабр билан эришилган ютук 32

Ўтич
Д. Сувонова 32

Муқовада: Олмазор тибиёт коллежи талабаси Фиёсов Моҳичеҳра
ҳамда Республика ихтисослашган сүяқ-иyrинг хасталиги ва жароҳат
оқибатларини даволаш илмий маркази ҳамшираси Маҳмудова Дилсора.

© Hamshira №2-2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

2011 йил 16 марта

№ 81

Тошкент шаҳри

**ТИББИЁТ КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН
«УСТОЗ-ШОГИРД» АНЪАНАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим түгрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги «Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариши амалиётини ташкили этиш ва ўтказилиши токомиллаштириш түгрисида»ги 40-сонлиқарори ижросини тъминлаш, тиббиёт коллежларида тайёрланыётган кадрлар сифатини ошириш, ўқувчиларга олинган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш ва чукурлаштириш, мутахассислик бўйича зарур кўнікмаларни ва иш тажрибасини пухта ўргатиш бўйича «Устоз-шогирд» анъаналарини жориё этиш, тиббиёт коллежларининг даволаш-профилактика муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини токомиллаштириш мақсадида

БҮЮРАМАН:

1. Тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун «Устоз-шогирд» анъаналарини жориё этиш ҳақидаги намунавий Низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпостон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқларига, тизимдаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ҳамда тиббиёт коллежлари директорлари:

- «Устоз-шогирд» анъаналари намунавий Низомига мувофиқ тиббиёт коллежларининг 2 ва 3-босқич ўқувчилари учун дарсдан бўш бўлган вақтида даволаш-профилактика муассасалари ҳамшиларига тегишилил бўйича ишчи-ҳодимларига «Устоз-шогирд» сифатида бириктирилсин;

- мазкур жараён иш берувчиларнинг биринчи раҳбарлари томонидан тўлиқ назоратга олинсин ва ўқувчиларнинг сифатли амалиёт ўтишлари учун тегишилил чорадабирлар амалга оширилсин;

Вазир А.И. ИКРАМОВ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

2011 йил 4 май

№ 141

Тошкент шаҳри

**12 МАЙ - ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
АХОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА
ҚЎРСАТАЁТГАН ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИНИ МУНОСИБ ҚАДРЛАШ МАҚСАДИДА**

БҮЮРАМАН:

**I. Қуйидаги ўрта тиббиёт ходимлари
«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлансин:**

1. Эгамназарова Махмуда Азизовна - 2-сон Республика клиник шифохонаси ҳамшираси;

2. Мамадалиева Нигора Салаховна - Тошкент шаҳар 1-сон сил касалликлари клиник шифохонаси ҳамшираси;

3. Тиллаева Дилрабо Анваровна - Тошкент шаҳар тезтибий ёрдам станциясига қарашли 11-сон қуйи станция ҳамшираси;

4. Ҳудайберганова Мукаррам Октябрновна - Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази терапевтик реанимация бўлими катта ҳамшираси.

**II. Қуйидаги ўрта тиббиёт ходимлари
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансан:**

1. Шомаҳсудова Турсуной Ҳамдамовна - 2-сон Республика клиник шифохонаси хўжалик ҳисобидаги бўлими катта ҳамшираси;

2. Касимова Машкура Нигманова - Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси;

3. Усманова Шахзода Умаралиевна - Республика ихтиносослаштирилган урология маркази операция бўлими катта ҳамшираси;

4. Закирова Зулфия Гарифовна - Республика ихтиносослаштирилган урология маркази 1-урология бўлими катта ҳамшираси;

5. Сафронова Наиля Рашидовна - Республика ихтиносослаштирилган хирургия маркази лаборанти;

6. Жўраева Мовлюда Мирсагатовна - Тошкент шаҳар Учтепа туман кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси;

7. Омонова Малика Нурмаматовна - Тошкент тиббиёт академияси 1-клиника гепатобилиар бўлими катта ҳамшираси.

Вазир А.И. ИКРАМОВ.

● Юзларидаги нур балқиб турувчи устоз шифокор, олижаноб, меҳрибон, фоятда ақли инсон Зайниддин Убайдуллаевич Шарипов 2009 йилнинг 24 июлида илм ўйлида ёруғ из, оиласида тотли ва айни бир пайтда фамгин эсдаликлар, қалбларида аччиқ армон қолдириб, ёруғ дунёни тарк этди. Фарзандлари хали жуда ёш, уларнинг меҳридан тўйиб улгурмаганди.

Шоир айтганидай, одамлар борки, тиригида ўлиkdir, одам борки, мангалика тирикидир. Ажойиб врач Зайниддин Убайдуллаевич Шарипов 1960 йил Навоий вилояти Кармана туманинг Янгиарик қишлоғи фуқаролар йиғини худудидаги Анорзор қишлоғидаги бўлими бошлиғи, вилюят тиббиёт ходимлар касаба уюшмаси Кенгаши раиси, вилюят Соғлиқни сақлаш бошқармалари тизимида мушассасалар томонидан амалга оширилсин.

3. Мазкур бўйруқдан келиб чиқиб, тиббиёт коллежлари ўқувчиларини «Устоз-шогирд» сифатида дорихоналарга жойлаштириш бўйича «Дори-дармон» акциядорлик компаниясига ёзма мурожат қилиниб, ҳамкорлик йўлга кўйилсин.

4. Ушбу бўйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирининг биринчи ўринбосари А. В. Алимов зиммасига юклатилисин.

● Афсуски, йўқлик ҳақиқатини доимо кеч англаймиз. Орамизда юрган азиз кишиларимизнинг қадри улар ўтиғдан сўнг билинади, билинаверади. Юракка фам-андуҳ солади. Эсиз, сұхbatларига тўймадик, кўнглини ололмадик, деган ўқинч дилни ўртайди. Факат бир нарса таскину тасалли беради. Мархумлардан бизга қолган ўчмас хотира мерос... Кўзда ёш, кўнгилда армон билан кечмиш умр дафтарини вараклашга тутинасиз.



ва тингловчиларни ижтимоий ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатувчи раҳбар фазилатлари билан доимо ёдимида ва хотираизда.

Зайниддин ака кўплаб орзулари қаторида ўғилларининг шифокор бўлишларини ният қиласр эди. У кириб келган давраларнинг файзи бўлакча бўйиб, ҳазил-мутойиба, кулгу-ю, самимий меҳрага тўларди.

Азиз устоз, малакали шифокор Зайниддин Убайдуллаевичнинг ўрни иш фаолиятимизда ҳам, шахсий ҳаётимизда ҳам ҳамиша сезилиб, билининг туради. У орамизда йўқ, аммо ўчмас хотирааси қалбларимизда мудом яшайди.

**Азиз ИЛЬЯСОВ,
Махсуда ОДИЛОВА,
Дилфузा КУЧКАРОВА,**
Республика тиббиёт ва
доришунос ходимларни
малакасини ошириш ва
ихтиносослаштириш
маркази Навоий вилояти
худудий бўлими.

Кенгаши раиси мувонини сифатида Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчиларга бағишлиган кўп жилди «Хотира» китобини яратишида фаол қатнашиб, жонбозлик кўрсатди. Бундан ташқари, ёшларни ўзбекона эрксеварлик, ватанпарварлик, миллий қадрияларни муродлаб ошириш ва садоқатли ёр, сирдош, жонкуяр дўст, меҳрибон она, меҳри дарё бувижон эди.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими», «Ўзбекистон фан арбоби» юқсак унвонлари, «Софлом авлод, учун» ордени соҳибаси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Муқаддам Ашрапова нафақага чиққач, кўп йиллар ўзбекистон фахрийларини ижтимоий кўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий

дан келган ёрдамишини аямаймиз. Ўзбекистон мустақиллиги биринчи навбатда, унинг тинчлигига боғлиқ. Шунинг учун осмонимиз доимо мусаффо, юртимизда бошланган Хотира ва Қадрлаш кунлари доимий бардавом бўлсин. Зоро, хотираасиз яшаб бўлмайди, хотираасиз келажак йўқ, - деган эди Муқаддам Ашрапова.

1999 йилнинг 22 майи ажойиб, саимий, оқила, ватанпарвар аёл Муқаддамхон Ашрапова учун ёруғ дунёниг сўнгги куни бўлди. Унинг босиб ўтган йўли, халқимиз саломатлиги учун қилган ишлари ҳамда Ватанинимиз равнаник йўлидаги фаолиятлари қалбимизда агадий сақланади. Ва шу билан бирга исми Муқаддам, жисми мукаррам олимамизнинг порлок хотираасиз дилимизда мангу барҳаёт бўлиб қолади.

Искандар РАҲМОН.

ИСМИ МУҚАДДАМ, ЖИСМИ МУКАРРАМ

● Аёлларимизнинг бугунги кундаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг оила ва жамиятда тутган ўринлари бекиёс эканлигига амин бўламиз. Фақат бугун эмас, ўтган асрлар давомида ҳам хотин-қизларимизнинг фидойи меҳнатлари эъзоз этиб келинган. Мазкур мақоламизда ана шундай ўз меҳнати билан ҳалқи ва Ватани учун хизмат қилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, таникли хирург ва олима Муқаддамхон Ашрапованинг босиб ўтган ниҳоятда ибратли ҳаёт йўли хусусида сўз юритамиз.

● Сўзимиз бошида, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистондан 4555 нафар аёллар бевосита жанг майдонида иштирок этиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб хисса қўшишгандигини айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Уларнинг 3000 нафари шифокорлар, 1000 нафари ҳамширалар, қолганлари мерган, алоқачи, учувчи, кузатувчи, пулемётчи-ўқчи бўлишган. Булар жумласига мерган Зебо Фаниева, шифокорлардан - Муқаддам Ашрапова, Ҳанифа Муродова, Анвар Мухаррамова, Собира Мажидова, Фахринисо Рамазонова, ҳамширалардан - Азиза Қаландарова, Мавжуда Саматова, Манзура Мастонова, опа-сингил Мунира ва Розия Гиёсовалар, Хикоят Муталова, Лутфияхон Юсупова, Рахимахон Алимова ва бошқаларни киритиш мумкин. Шундай экан, элда номи эъзозли бу марду-майдон аёлларнинг жасорати тенгисиз, хотиралири муқаддасdir.

Эътибор берсангиз, Мустақиллик майдонидаги зиёратгоҳдан қишин-ёзин одам аrimайди. Шахримизга турли юрт, мамлакатлардан келаётган сайдёхлару меҳмонлар Мотамсанро она ҳайкалай пойига гуллар кўйиб, бир дақиқа сукут сақлашади. Шунингдек, улар «Хотира китоби»га киритилган юртдошларимиз, қариндош-уруғлари номларини кўриб, ҳурмат бажо келтиришади. Ҳайкал пойидаги олов эса эл-юрт тинчлиги, озодлиги ва равнаки йўлида жонини курбон қилган, бедарак кетган баҳодир ҳалоскорларимизнинг руҳи доимо уйғоклигидан дарак беради.

...Ўтган асрнинг бошларида Тошкент шаҳрининг Жарқўча маҳалласида истиқомат қилган Сайд Ашрафхон ва Ойимхон ая оиласарида биринкетин беш қиз дунёга келган. Сайд Ашрафхон ўз замонасининг зиёли кишилари сирасига кириб, диний илмлар қатори тарих, санъат ва адабиёт шайдоси, билимдони сифатида нодир асарлардан тўплланган шах-



сий кутубхонаси бўлган. Шу боисдан ўша даврнинг илгор фикрли зиёлилари унинг хонадонига тез-тез ташриф буюришган. Ана шундай маданиятили, маърифатли оиласда 1919 йили таваллуд топган Муқаддамхон болалигидан зеҳнли, тиришқоқ, меҳнаткаш ва хушчакча бўлиб ўсади. Маҳалларидаги Мирзо Улуғбек номли тўлиқизз ўрта мактабни битиргач, Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) қошибдиаги ишчилар факультетига кирди. 1936 йили ўқиши тугатиб, мазкур олий ўкув юртининг иқтидорли талабалари сафига қўшилди. Ўз устида мустақил ишлаши, шифокорлик касбini пухта эгаллаши, амалий ва назарий кўникмалар ортиришга интилиши, илмий изланиш билан тез орада талабалик - даври ҳам ниҳоясига етди.

Олийгоҳни 1941 йил тутгатган Муқаддамхон, хирург профессор Михаил Александрович Астровга шогирд тушишни ният қилганди. Аммо, тўсатдан урушнинг бошланиб қолиши сабабли, 1941-42 йилларни маҳали аҳоли орасида тарқалган ичтерлама беззак касаллигига чалинган беморларни даволаш билан ўтказди. Шу ерда ҳам урушга юборишиларни сўраб, ҳарбий комиссариатдагиларни ўз ҳолига қўйади.

- Ниҳоят, 1943 йилнинг февраль ойида Москвага ўқишига кетяпман, деган баҳона билан уйдагиларни кўндириб, кўнгиллilar сафида урушга жўнадим, - дейа ўша кунларни эслаган эди Муқаддам опа сұхбатимизда. - Фақат мендан учбурчак хат келгандагина уйдагилар фронтда эканлигимни билишган. Дадам раҳматли мени койиш ўрнига шундай ажойиб хатлар ёзар эдиларки, уни ўқиганимда кўнглим тогдек кўтарилади. «Майли қизим, ўғлим йўқ деб ўксисб юрардим. Сен менинг ҳам ўғлим, ҳам қизимсан. Мард бўл, омон бўл!» дер эдилар хатларида. Мен даставвал 1-Украина фронтининг 155-ўқчи дивизияси, 786-ўқчи полкida

хирургия кафедраси мудири ва де-

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг
2011 йил 16 марта 81-сонли буйруғига илова

Тиббиёт коллежларида «Устоз - шогирд» анъаналарини жорий этиш тўғрисида мувакқат

НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 январдаги 07-91 сонли мажлис баёни ва ўрта маҳсус кабс-хунар таълими марказининг 2011 йил 7 январдаги 5-сонли буйруғидаги вазифаларни ўкув жараёнига татбиқ этиш ҳамда «Устоз-шогирд» тизимини Республика тиббиёт коллежларида самарали қўллаш механизимини яратиш Низомининг асосий мақсади хисобланади. Устозлик янги фаолият, билим ва кўникмаларга кўниши давридағи ўш мутахассисларнинг ўқитиши сифатини мукаммаллаштиришга йўналтирилган ихтимойи ҳолат.

Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тиббиёт коллежлари ўқувчилари томонидан Давлат тасарруфидаги ва хусусий дорихоналар фармацевтика корхоналари, хусусий даволаш-профилактика муассасаларида, Давлат санитария-эпидемиология наоратар марказларида, «Дори-дармон» акционерлик компанияси тизимидағи ва хусусий стоматологик клиникаларда (кейинчалик амалиёт базалари деб номланади) «Устоз-шогирд» амалиётини ўташ тартибини белгилайди.

2. Назарий таълим бериш жараёнидаги ўқувчилар томонидан олинган амалий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқураштириш, мутахассислик бўйича зарур кўникмаларга ва амалий иш тажрибасига эга бўлиши, танланган касбларига бўлган қизиқишини ошириш «Устоз-шогирд» амалиётининг мақсадларидан бири хисобланади.

3. Ўқувчиларнинг амалиёт базаларида «Устоз-шогирд» ишлаб чиқариш амалиётини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўрта маҳсус кабс-хунар таълимининг тармоқ таълим стандарти доирасида амалга оширилади.

4. Тиббиёт коллежлари Низомга асосланиб, тегиши амалиёт базалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда ўқувчиларнинг «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этади.

5. «Устоз-шогирд» амалиётини, қоидага кўра, ўқувчилар ўқиши тутгатгандан кейин ишга жойлашиши мумкин бўлган амалиёт базаларида ўтказилади.

6. «Устоз-шогирд» амалиётини ўкув режадаги амалиётга ажратилган соатлар ичидаги амалга оширилади.

Тиббиёт коллежларининг «Устоз - шогирд» тизимини амалга оширишдаги фаолияти

1. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини сифатли ташкил этиш учун шогирд мутахассислигига мувофиқ амалиёт базаларини танлайди ва улар билан шартномаларни шакллантиради.

2. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

3. Тиббиёт коллежлари шогирдга белгиланган вазифаларни аниқ бажарилишини амалиёт базасидан тайинланган устоз билан ҳамкорликда назорат қилади.

Амалиёт базаларининг «Устоз-шогирд» амалиётини ўтказишдаги фаолияти

1. Амалиёт базалари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шогирд мутахассислигига мувофиқ амалиёт базаларини танлайди.

2. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

3. Тиббиёт коллежлари шогирдга белгиланган вазифаларни аниқ бажарилишини амалиёт базасидан тайинланган устоз билан ҳамкорликда назорат қилади.

Амалиёт базаларининг «Устоз-шогирд» амалиётини ўтказишдаги фаолияти

1. Амалиёт базалари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шогирд мутахассислигига мувофиқ амалиёт базаларини танлайди.

2. Биринчи тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

3. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

4. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

5. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

6. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

7. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

8. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

9. Тиббиёт коллежлари «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради, таънология талабларини бажаришга масъул.

10. Коллеж томонидан буйруқ билан тайинланган ва даволаш-профилактика муассасаларида «Устоз-шогирд» амалиётини ташкил этиш учун шартномаларни шакллантиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ

Б У Й Р У Ф И

2011 йил 10 март

№70

Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИНГ 2011 ЙИЛ 5 МАРТДАГИ «2011-2015 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИЛ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИ КАМАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎГРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартағи «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланиши камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги 62-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Й Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартағи «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланиши камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги 62-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигига қарши курашиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб атала) 1-иловага мувофиқ; сил касаллигига қарши муассасалар тармоғини мақбулаштириш ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилган 2011-2015 йилларда сил касаллигига қарши муассасаларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг асосий параметрлари 2-4 иловаларга мувофиқ;

2012-2015 йилларда сил касаллигига қарши муассасаларни замонавий тибиёт анжомлари билан жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг асосий параметрлари 5- иловага мувофиқ тасдиқлансан;

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигига қарши курашиш дастурини амалга ошириш бўйича 6-иловага мувофиқ таркибда Махсус комиссия тузилсин.

3. Махсус комиссия (А. Алимов)га Дастанчи амалга ошириш бўйича ташкилий ишларнинг бажарилиши юза-сидан жавобгарлик юклансин. Комиссия ҳар уч ой ва ярим йиллик якунлари бўйича тасдиқланган Дастан амалга оширилиши натижаларини Соғлиқни сақлаш вазиригининг мажлисларида кўриб чиқиш учун киритсан.

Махсус комиссия ҳар или тасдиқланадиган сил касаллигига қарши муассасаларни куриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг аник йўналтирилган рўйхатига умумий тасдиқланган параметрлар доирасида заруртига тугилганда ўзгартиришлар киритиш мумкинлигини кўзда тутилсин.

4. Санитария-эпидемиология назорати (Л. Тўйчиев), Дастан-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш (Д. Миразимов), Моддий-техник базани ривожлантириш (Н. Калонов) Баш бошқармалари ҳамда «Ўзтиблойиҳа» масъулияти чекланган жамият билан биргаликда аҳолига кўрсатиладиган дастан-профилактика ёрдаминиң сифати ва ундан фойдаланиш бўйича талабларга мувофиликни таъминлашини назарда тутган ҳолда сил касаллигига қарши муассасаларнинг янги куриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукаммал таъмирланадиган обьектларга кўйиладиган санитария меъёрлари ва қоидлари бўйича мавжуд норматив хужжатлар қайта кўриб чиқилсин.

Вазир А.И. ИКРАМОВ.

Болага фақатгина эклампсия ва ларингоспазм хуружла-ри ҳаф түғдириши мумкин, чунки бунда нафас тўхтаб қолиши эҳтимоли мавжуд бўлади.

Латент спазмофилия яққол спазмофилияга нисбатан кўпроқ учрайди ва биргаликда кечиши мумкин. Латент спазмофилия учун қўйидагилар: Хвостек симптоми, Трусско симптоми, Люста симптоми ва Маслов симптомлари хосдир.

Даволаш

Ларингоспазм ва эклампсия ҳар бир она билиши зарур бўлган, зудлик билан бажариладиган бир қатор тадбирларни талаб этади.

Профилактика: Касалликнинг бирламчи профилактикаси касалликни оддини олиш, эрта диагностикаси ва рахитнинг давосини ўз ичига олади.

Иккиласми профилактика касалликни ўз вақтида аниглаш ва даволашни ўзида акс этиради. Спазмофилияning оқибати аксарият ҳолларда ижобий бўлиши иккиласми профилактиканинг тўғри олиб борилиши билан боғлиқидир.

Ларингоспазмда врач келгунча кўрсатилиши лозим бўлган тез ёрдам:

1. Тиришишга қарши муолажа ўтказиш учун бирор кимса орқали тез ёрдамни чакириш;
2. Тоза ҳаво келиб турнишини таъминлаш;
3. Нафасни қисиб турувчи кийимларни ечиб ташлаш;
4. Болани текис, юмшоқ жойга ётқизиш;
5. Бош мияда доминант ўчоқни яратиш мақсадида тактил стимуляция усусларини (юзга совуқ сув пуркаш, юзидан ва думбасидан уриб қўйиш, тилни чўзиш мақсадида тилнинг илдизига шпатель ёки қошиқнинг ўтмас

тарафи билан босиб кўриш ва уни қўзғатиш, бурунга нашатир спиртни олиб бориш) қўллаш.

6. Тинч мухит яратиш.

Ҳамширалик ёрдами қўйидагилардан иборат:

Бола учун оиласда қулай шароитларни яратиб беришга ёрдам бериш.

Болани тўғри овқатлантиришга ота-оналарни ўргатиши:

- сабзвотли таомлар миқдорини кўпайтириш;
- бўтқаларни сабзвот қайнатилган сувда тайёрлаш;
- сутли аралашмалар билан овқатлантиргандан, улардаги витамин D миқдорини инобатга олиш.

Барча манипуляцияларни эҳтиёткорлик билан бажариш, иложи борича инвазив аралашувлардан фойдаланмаслик, сигир сутини истеъмол қилишни максимал даражада чегаралаш (унда фосфатлар миқдори юқори бўлгани туфайли).

Хуруждан сўнг одатда кальций препаратлари билан даволаш буорилади, тиришишлардан 3-4 кундан сўнг эса витамин D берилади. Ушбу препаратларни қабул қилишни назорат остига олиш муҳим.

Бундан ташқари ҳамшира ота-оналарга:

- уй шароитида касал болани парвариша шинни, боланинг ўйин фаолиятини тўғри ташкил қилишни ўргатиши;
- боланинг аҳволини тўғри баҳолашга ёрдам бериш, уларнинг касаллик ҳақидаги билимларини кенгайтиришга кўмаклашиши;
- ота-оналарни боланинг жисмоний, эмоционал, психолигик эҳтиёjlарини қондиришга ўргатиши;
- бола педиатр кўригигда динамик равишда назоратда туриши ҳамда врачи маслаҳатларини ўз вақтида, астойдид бажарилиши муҳимлигига ота-оналарни ишонтириши лозим.

FILWORD

M	O	Q	P	I	Y	Y	O	B	D	A	X	O
A	O	I	E	T	A	I	J	I	E	B	E	R
.	K	T	D	A	L	B	I	Y	M	U	A	A
L	S	I	O	P	A	D	V	O	O	A	O	Z
U	A	Sh	G	M	S	I	I	B	K	I	S	M
M	D	M	O	E	Sh	S	S	Y	R	I	U	I
O	I	E	G	I	I	K	S	E	A	I	M	U
T	D	T	O	K	T	U	A	K	T	B	O	Z
T	B	I	D	K	A	R	P	T	I	N	N	I
A	R	Y	A	U	Z	S	O	V	K	S	I	J

Nilufar RAXIMJONOVA,
Toshkent tibbiyot akademiyasi
OMH fakulteti talabasi.

● Savollar:

1. O'zaro o'qituvchi va o'quvchi munosabatlarda uch xil uslubdan bire.
2. Axborot yo'nalishlariga kiradigan, boshqarishning uslublaridan bire.
3. Mulohazali nutq yana qanday ataladi?
4. Hissiyotning ko'rinishlariidan bire.
5. Lotin tilidan olingan «yo'l-yo'riq usuli» degan ma'noni beruvchi so'z?
6. Pedagogikaning asosiy kategoriyalardan birining nomi.
7. Tadqiqotda foydalilanildigan metodlardan bire.
8. Tugallangan bilim va ko'nikmalar yig'indisi pedagogikaning asosiy tushunchalaridan qaysi turiga kiradi?
9. «Didaktika» so'zi qaysi so'zdan olingan?
10. O'quvchi o'mriga o'zini qo'yib ko'rish nima deb ataladi?
11. O'qituvchining sinf jamoasiga nisbatan munosabatining uchta asosiy uslublaridan bire.
12. «Donishnoma» asarining muallifi.
13. «Didaktika» so'zining ma'nosii?
14. Sezgi orqali bilish - qisman bilish bo'lsa, mantiqiy bilish esa haqiqiy bilishning muhim tomonini namoyon etadi»- degan so'zlar va «Yer su'rat» asarlari muallifi kim?
15. Al-Xorazmiyning mashhur asarlaridan bire.

Bajarilish tartibi: javoblar kataklar bo'ylab to'g'ri shakllar tarzida belgilanadi.

СПАЗМОФИЛИЯ

Наима ТОЛИПОВА,
тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси

● Спазмофилия -бу болаларда ҳаётининг дастлабки 6-18 ойлигига шайтонлашга ва спастик ҳолатларга мойиллигининг юқори бўлиши билан характерланувчи ва рахит билан патогенетик боғлиқ касаллиқидир. Кўпроқ ўғил болаларда ва эрта баҳорда кузатилади.

Спазмофилия ҳозирги даврда кам учрайдиган касалликлар туркумига киради. Спазмофилияниң ўткир шайтонлаш, ларингоспазм, нафас тўхташи, хушдан кетиши ҳолатлари шошилинч реванимацион тадбирларни ўтказишни талаб қилаади.

Спазмофилия гипокальцемия фонида электролит дисбаланси ва алексалеоз натижасида келиб чиқади.

● Спазмофилия - болалар тетанияси ёки гипокальцемик синдром кичик ёшдаги болалар касаллиги саналиб, унинг сабаби тортишишлар, акашава талвасаларга мойилликни келтириб чиқардиган гипокальцемиядир. Рахит профилактикаси замонавий усуллар билан олиб борилганда ва бола парвариши тегиши равишда ташкиллаштирилган тақдирида, бу касаллик деярли учрамайди. Аммо рахит билан хасталанганд, тез-тез касал бўладиган болаларни назорат қилиш давомида ҳамшира кальций алмашинуви билан боғлиқ янга бир хавфнинг мавжудлигини эсда тутиши лозим. Яъни, бу мақолада гипокальцемик синдром ёки кўпроқ спазмофилия деб юритиладиган болалар тетанияси ҳақида маълумот берамиз.

Касаллик механизми ва клиник қўринишлари

Баҳорда, кўёш нури таъсирида тери остида витамин D нинг хосил бўлиши кучайди, кальцийнинг суякларда тўпланиши ортади, ва аксинча қон зардобидаги миқдори пасаяди (гипокальцемия). Бу эса, мушак таъсирчанигининг ошишига ва тортишишларнинг тобора ривожланишига олиб келади. Айниқса, бу касаллик муддатидан аввал туғилган чакалоқлар, эгизаклар ҳаётини учун катта хавф туғдиради. Шунинг учун, боланинг ёнида бўлган катталар ўз вақтида унга ёрдамга келишлари жуда муҳим.

Эътиборингизга бир неча клиник мисоллардан ҳавола қилмоқчимиз:

1. Саккиз ойлик бола. Ўткир респиратор хасталигидан сўнг врач қон тахлилини топширишни буюрган экан. Бармоқдан қон олиш вақтида бола хўроздек қичқириб, бурун-лаб учбурчаги цианози, стридороз нафас олиш вужудга келди.

2. Ҳамшира ясли гурухларини айланниб назорат қиляпти. У манежда битта ўйинчоқ устида талашиб ўтирган болаларга кўзи тушди. Бирдан «хўроз қичқири» каби товуш янграб, болалардан бири кўкариб кетди.

3. 12 ойлик боланинг онаси йиқилишининг олдини оламан деб, кўлининг елка қисмидан ушлаб қолди. Бирдан кўл панжаси мушакларининг тоник қисқариши рўй берди. Бунда катта бармоқ кафтга қараб эгилган, панжаси ўзагига бармоқ суяклари бириккан жойда бармоқлар тўғри бурчак остида букилган, бармоқ ораси бўғимларидан ростланган («акушер қўли»). Оёқ кафтларининг таги кескин эгилган ҳолатда бўлади.

Бир ёшгача бўлган болаларда кўпроқ клиник шайтонлашлар, катта ёшдаги болаларда эса кўпроқ тоник шайтонлашлар кузатилади. Биринчи 6 ойлигига болаларда кўпроқ эклампсияни ларингоспазм билан биргаликда келиши, 2 ярим ойликда карпопедал спазм қўринишлари кузатилади.

Бир ёш ва ундан катталарда карпопедал спазм кузатилади. Кўп ҳолларда касаллик оқибати ижобий кечади.

надиган шаклидан аввалроқ келади ва бир неча ҳафталардан тортиб, ойлаб давом этиши мумкин. Турли кўзғатувчи омиллар (инвазив аралашув, оғиз бўшлиғини кўздан кечириш, асабийлашиш, мажбурий овқатлантириш ва б.) таъсирида яширин тетания симптомлари яққол кўринишдаги шаклига алманиши мумкин. Спазмофилияниң яққол шакли ларингоспазм, карпопедал спазм ва эклампсия қўрининишида намоён бўлади.

Латент шакли қўйидаги симптомлар билан тавсифланади:

1. Маслов симптоми - игна билан санчганда (укол) пайдо бўлган оғриқ таъсирида нафас қисқа муддатга тўхтайди.

2. Хвостек симптоми - лунж соҳасининг яноқ ёйи ва оғиз бурчаги орасини бармоқ билан енгил тарзда уриб кўрилганда тегиши тарафнинг мимик мушаклари қисқариши рўй беради.

3. Труссо симптоми - елка нерв-томир тутами боғилганда 3-5 дақиқадан сўнг кўл панжаси титрай бошлайди ва «акушер қўли» ҳолатига келади.

Болалар тетаниясининг яққол қўринишдаги шакли латент шакли давомида ҳам, мутлақо ихтиёrsиз равишда ҳам келиб чиқиши мумкин.

Яққол қўринишдаги шакли қўйидаги белгилар билан тавсифланади:

1. Эклампсия - яққол қўринишдаги тетаниянинг энг оғир шакли. Бу тоник-клиник тиришишларнинг умумий хуружи бўлиб, хушдан кетиш билан кечади. Хуруж қотиб қолишидан, мимик мушакларнинг тортилиши билан бошланади. Сўнг бу тиришишлар бошқа мушак гурухларига, жумладан, нафас олиши мушакларига ҳам тарқалади. Бола тўхтаб-тўхтаб, ҳўрсаниб нафас олади, цианоз пайдо бўлади ва у хушидан кетади. Бир вақтнинг ўзида ихтиёrsиз сийдик ва ич кетиши кузатилади. Одатда, хуруждан кейин бола ухлаб қолади. Хуружнинг давомийлиги бир неча сониялардан 20-30 сонияларгача бўлади.

2. Ларингоспазм - хуруж шаклида, овоз ёриғининг енгил спазми ёки унинг тўлиқ, аммо қисқа муддатли ёпилиши қўринишда намоён бўлади ва цианоз билан кечади. Бола қўрқиб кетади, баданини ёпишқоқ тер босади. Спазмдан сўнг боланинг «хўроз қичқири»га ўхшаб кетувчи қаттиқ-қаттиқ нафас олиши кузатилади. Хуруж бир неча сониялардан 1-2 дақиқагача давом этади, кун давомида қайтарилиши ҳам мумкин.

3. Карпопедал спазм - оёқ ва кўл панжаси мушакларининг тоник қисқариши, бунда кўл панжаларни максимал даражада букилган бўлиб, катта бармоқ кафтга қараб эгилган, панжаси ўзагига бармоқ суяклари бириккан жойда бармоқлар тўғри бурчак остида букилган, бармоқ ораси бўғимларидан ростланган («акушер қўли»). Оёқ кафтларининг таги кескин эгилган ҳолатда бўлади.

Бир ёшгача бўлган болаларда кўпроқ клиник шайтонлашлар, катта ёшдаги болаларда эса кўпроқ тоник шайтонлашлар кузатилади. Биринчи 6 ойлигига болаларда кўпроқ эклампсияни ларингоспазм билан биргаликда келиши, 2 ярим ойликда карпопедал спазм қўринишлари кузатилади.

Бир ёш ва ундан катталарда карпопедал спазм кузатилади. Кўп ҳолларда касаллик оқибати ижобий кечади.

Софлиқни сақлаш вазиригининг

2011 йил 10 марта 70-сонли буйруғига 1-илова

2011-2015 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИЛ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАСТУРИНИ ИЖРО ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИRLAR РЕЖАСИ

1. Сил касаллигига қарши муассасалар фаолиятини такомиллаштириш

А. Сил касаллигига қарши муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган норматив-хукуқий базани такомиллаштириш

T/P	Тадбирнинг номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган хуҷжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
1	"Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза этиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, уларда қўйидагиларни назарда тутиш: дори-дармонларга бардошли сил касаллиги ва сил касаллигини ОИВ инфекцияси билан бирга кўшиш тўғрисидаги тушунчаларни жорий этиш, сил касаллигининг фаол шаклларига чалинган, даволанишдан бош тортган беморларни мажбурий даволаш	2011 йил июль	ДПЁББ, СЭНББ, Ф ва ПРИИАМ, Республика СПИД маркази			Қонун лойиҳаси, Сил касаллигига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-хукуқий базани такомиллаштириш
2	Сил касаллигини инфекцион назорат қилиш талабларига мувофиқ, сил касаллигига қарши муассасалар обьектларини куришнинг санитария норма ва қоидаларини такомиллаштириш	2011 йил, март	СЭНББ, МТБРББ, ДПЁББ, Ф ва ПРИИАМ			Санитария норма ва қоидалари, Сил касаллигига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-хукуқий базани такомиллаштириш
3	Ҳайвонларнинг сил касаллигининг олдини олиш ва бартараф этиши бўйича ветеринария ва санитария қоидалари тўғрисидаги идоралараро норматив ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2011 йил, июнь	ДПЁББ, СЭНББ, Ф ва ПРИИАМ			Софлиқни сақлаш вазиригини ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазиригининг кўшма қарори. Сил касаллигига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-хукуқий базани такомиллаштириш
4	Пенитенциар тизимда сил касаллигининг олдини олиш ва у билан касалланиши камайтириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш	2011 йил, июль	ДПЁББ, СЭНББ			Ички ишлар вазириги ва Софлиқни сақлаш вазиригининг кўшма қарори
5	Сил касаллигига қарши курашиш бўйича сил касаллигини олдини олиш ва у билан касалланиши камайтириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш	2011 йил, июль	ДПЁББ, О ва БМҚББ, СЭНББ, Ф ва ПРИИАМ, Республика ДОТС маркази, Республика СПИД маркази			Софлиқни сақлаш вазиригини бўйруғи, Сил касаллигининг резистентлиги ва ОИВ/ОИТС билан биргаликдаги шаклларига чалинган беморларни ўз вақтида аниқлаш. Барча ҳисоб-ҳисобот ҳужжатларини бирхиллаштириш

Б. Сил касаллигининг олдини олиш, уни аниқлаш, диагностика қилиш ва даволаш ишларини такомиллаштириш чора-тадбирлари

T/P	Тадбирнинг номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
1	Сил касаллигига чалиниш ҳавфи юқори бўлган аҳоли гурухларини мунтазам равишда флюорографик кўриклардан ўтказиши	Доимо	ДПЁББ, Ф ва ПРИИАМ	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида	Бюджет маблағлари	Сил касаллигининг бошланғич шаклларини барвакт аниқлаш

2	Самарқанд, Фарғона, Термиз, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида сил касаллиги микобактерияларни биологик материаллардаги сил касаллигига қарши препаратларга сезирлигини тадқиқ қилишни амалга оширувчи 5 та минтақалараро лабораториялар ташкил этиш	2011 йил мобайнида	ДПЕББ, Фва П РИИАМ, Республика ДОТС маркази, Тошкент ш. ССББ, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари ССБ	1,0 млн. АҚШ доллари	KfW банки гранти	Сил касаллигининг барқарор шакларини аниқлаш даражасини ошириш
3	Лабораторияларни реактивлар ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш, лаборатория тадқиқотлари сифатининг ташқи назорати тизимини кучайтириш	Доимо	Фва П РИИАМ, Республика ДОТС маркази	6,4 млн. АҚШ доллари	ОИТС, сил касаллиги ва беззак бўйича Глобал жамғарма гранти	Сил касаллигига чалинган беморларни аниқлаш даражасини ошириш
4	"e-TVmanager" халқаро тизими асосида сил касаллигига чалинган беморлар бўйича электрон мониторинг тизимини жорий этиш	2011 йил 4-чорак	Республика ДОТС маркази	15,2 минг АҚШ доллари	Глобал жамғарма гранти (сил касаллиги компоненти)	Сил касаллигига чалинган беморлар ва дорилар менежменти тўгрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва уларнинг ишончлигини таҳдил қилиш
5	Тасдиқланган стандартларга қатъий мувофиқ равишда сил касаллигига чалинган беморларни даволаш учун сил касаллигига қарши сифатли препаратлар билан тўлиқ миқдорда таъминлаш	Доимо	Республика ДОТС маркази, ОИТС, сил ва беззакка қарши Глобал жамғармаси	21,3 млн. АҚШ доллари	Глобал жамғарма гранти (сил касаллиги компоненти)	Даволашиб санарадорлигини 85 фоизгача ошириш ва умуман эпидемиологик вазиятни яхшилаш
6	Кам қувватли, самарасиз фойдаланилаётган сил касаллигига қарши муассасаларни тутагиши ўйли билан стационар бемор ўринлари сонини мақбулластириш	2011-2014 йиллар	ДПЕББ, МТБРББ, Фва П РИИАМ, КР ССВ, Тошкент ССББ, вилоятлар ССБ			Сил касаллигига қарши стационарнинг бемор ўринлари фондидан самарали фойдаланиш

2. Республиканинг сил касаллигига қарши муассасаларини юқори малакали тиббиёт кадрлари билан таъминлаш, фтизиатрия соҳасида илмий-тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш

Т/Р	Тадбирнинг номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган хужжат шакли амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
1	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедраси негизида (ҳар йили умумий даволаш шоҳобасининг 30 нафар врачини) фтизиатрия бўйича бошлангич ихтисосластиришдан ўтказиш	Доимо	Фва ЎЮББ, ТошВМОИ, Фва П РИИАМ	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида	Бюджет маблағлари	Чора-тадбирлар комплекси. Республика аҳолисининг фтизиатр врачлар билан таъминланганлигини яхшилаш, сил касаллигига қарши ёрдам кўрсатиш сифатини такомилластириш
2	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедраси негизида ҳар йили 176 нафар фтизиатр врачлар малакасини ошириш	Доимо	Фва ЎЮББ, ТошВМОИ, Фва П РИИАМ	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида	Бюджет маблағлари	Чора-тадбирлар комплекси. Сил касаллигининг олдини олиш, уни диагностика қилиш ва даволаш масалалари бўйича фтизиатр врачларнинг билимлари ва амалий қўнімаларини ошириш

- ўзгаришларга нисбатан сезирлик - соғлиқни сақлаш тизимида озгина ўзгаришлар ҳам индикаторларда ўз таъсирини кўрсатади;

- ҳисоб-китобнинг осонлиги - мониторинг учун сарф қилинаётган меҳнатнинг ҳажми оқланиши зарур ва у мониторингдан бездирадиган омил бўлиб қолмаслиги керак;

- долзарблик - бунда, индикатор лойиҳа эришмоқчи бўлган нарсани ўлчайди ва лойиҳанинг стандартлари билан боғлиқ бўлади;

- бирлик/ўлчам - у ниманидир дикқат билан кўриб чиқиши лозимлигини «аниқлайди» ёки «кўрсатади». У билан стандартга мувофиқлик даражаси ўлчанади.

МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ НИМА УЧУН КЕРАК?

- Мониторинг ва баҳолаш - узлуксиз таълим, ҳамширлик иши олиб борилганда қайта боғланишни таъминлаиди;

- расмийлаштирилган ва мунтазам ўтказиладиган мониторинг ва баҳолаш, қайта боғланишни янада самара-лироқ бўлишини таъминлайди;

- мониторинг ва баҳолаш асосида олинган маълумотлар ёрдамида иш кўриш, доим ҳам осон эмас, лекин бундай иш кўриш арзиди, чунки, шу йўл орқали ҳамшираларни самарали ўқитиш ва ишни яхшилашга имкон беради.

«Мониторинг» ва «баҳолаш» кундалик ҳаётнинг ажралмас қисми эканлигини кўрсатиш мумкин.

Узлуксиз касбий таълим бўйича ўқитишлар самарали ўтагланлигини қандай билиш мумкин? Кундалик ҳаётда, инсонларнинг ҳаракатлари натижасида ҳосил бўладиган қайта боғланишни тахмин қилиш мумкин. Бола «шақилдок»ни ҳаракатлантириб, кўлининг айрим ҳаракатлари орқали, шакилдоқ кулоқ учун ёқимли овоз чиқариши мумкин эканлигини билиб олади. Ўхшаш ҳолат, бола эмаклашни ва юришини ўрганаётганида, у ўз танасидан қайта боғланишни олади, бунга асосан моддий дунёда нима мумкин, нима мумкин эмаслигини билиб олади.

Шунингдек, бола қайта боғланишни бошқа инсонлардан ҳам олади. У гапириши ўрганаётганида катталар уни мақташади, агар у ўз нутқини мукаммалластирса ва хатоларини тузатса, аста секинлик билан уни мулоқот қилиш қобилияти ўсиб боради. Мактабда ўқитувчи қайта боғланишни маъқуллаш, баҳс, шунингдек синфдаги иш фаoliyatinи баҳолаш орқали таъминлайди. Шу ва бошқа йўллар орқали, бола ўз фаoliyati натижаларини баҳолашга ўрганади.

Инсон улғайиши билан ташки баҳолаш расмийлашиб боради. Масалан, агар қиз бола ўқитувчи бўлишга қарор қиласа, у болаларни ўқитишга рухсат олгунича, имтиҳонлар топшириши ва ўз билим ва ақлий қобилиятини баҳолашга эришиши қерак бўлади. Жамият учун бунақа расмий баҳолашлар мутахassislarнинг касбий фаoliyati стандарт талабларни қониқтириш гарови бўлиб хисобланади. Юқори стандартларга жавоб бериш гарови учун, ҳаттоқи дипломли мутахassislar ҳам баҳоланадилар. Масалан, ўқувчилар дастур асосида қеракли билимларни ўргангандагина ривожланишга эришиш мумкин. Айрим пайт, олдинга ҳаракат қилиш учун, фақат орқага қадам кўйиш қерак бўлади. Бунинг учун, нимага шунака бўлди, бошқача эмас, каби саволларни бериш, фойдаланилган усуслар ва вазифаларни таҳлил қилиб чиқиш қерак бўлади.

Шундай қилиб, мониторинг ва баҳолаш, фаoliyati ва унинг натижаларни тасаввурини, чукурроқ ва тўлиқ кўринишда бера олади. Асосий вазифа, иш сифатини ошириш ва уни самаралироқ бажаришга қаратилган.

* * *
Дунёдаги барча тирик мавжудотлар ичida фақат инсонгина ўзига фойдали нарсаларни билмаслигига икрор бўлишдан улади.

К.Плиний

бир даражагача. Айтайлик, шахсларо мулоқот бўйича тренинг ўтказилди. Тренер фикрича семинар мувффакиятли ўтди, чунки иштирокчилар семинарда тўлиқ иштирок этдилар, вақтидан олдин кетиб қолмадилар, маълумотларни қизиқиб ўргандилар. Тренер, балки курс қанақа ўтганилиги ҳақида иштирокчиларнинг фикри билан қизиқандир, бунга нисбатан, ҳаммаси жуда зўр ўтди, кўп янгиликлар олдик каби жавоблар эшитилгандир.

Бу маълумот керак, аммо етарлимикан? Етарли бўлмаслика керак, чунки тренер, улар ҳақиқатдан ҳам қанақа билим олганларни, билимларни амалиётда кўллай оладиларми, йўқми, бу ҳақда била олмайди. Иштирокчилар мувффакиятли билим олгандек бўлиб туолиши, бу ҳақда улар тренерга ҳам айтишлари мумкин (хурмат юзасидан, кўрқандан), лекин яширин сўровнома ўтказилганида (масалан, яширин ёзма анкета ёки «ташқи» эксперт ёрдамида), тренер бошқа, семинарни яхшилашга қартилган жавобларни олиши мумкин.

Ишонарли маълумотлар олиш учун, олдиндан маълумот йиғиши усусларини режалаштириш зарур бўлади. Бунда ташки эксперт катта роль ўйнаши мумкин. Дастурларни амалга ошириш билан банд бўлган инсонларга нисбатан, ташки эксперларнинг баҳолашни ўтказишда тажрибаси кўпроқ бўлиши мумкин: улар баҳолашни ўтказиш қўнімларни ва техникасини билишлари мумкин. Уларнинг асосий афзаллик томони шундаки, улар тренер билан бир жойда ишламайдилар - улар «эркин»дирлар. Бу факт ёки воқеълик уларнинг баҳолашларида ҳақиқийлик касб этади. Эксперт дастур самарали олиб борилаётганилиги тўғрисида маълумот берса, демак тренер ҳақиқатдан ҳам ўз ўзлаган мақсадига эриша олган.

Мониторинг ва баҳолаш тўғри нуқтаи назарни талаబ қиласи. Тренер, ўзи томонидан қайта боғланишни қабул қиласа ва унга мос равишда ҳаракатлар қиласа, янада яхшироқ дарс бера олади. Айрим жавоб реакциялари кўнгилдаги бўлмаслиги мумкин ва у «ўқитувчи вазифасини етарли даражада яхши бажармади» деган жавобларни қабул қиласи қерак бўлади. Агар вақтнчалик бўлган бу ноқулайликларни тренер қабул қиласа ва ишни мукаммалластириш учун қайта боғланишдан фойдаланса, у ўз касбий вазифаларни янада яхшироқ бажаришни бошлайди. Узлуксиз касбий таълим бўйича ўқитилган патронаж ҳамширларни учун тайёрланган тренерлар учун ҳам худди шунақа.

Мониторинг ва баҳолаш - ўз ишига танқидий кўз билан қараш, ўзига кийин саволлар бериш ва муаммоларни ҳал қилишга тайёр туриш деганидир. Нимагадир хато қилганликни тан олиш доимо кийин, лекин «хато»га тик қаралгандагина ривожланишга эришиш мумкин. Айрим пайт, олдинга ҳаракат қилиш учун, фақат орқага қадам кўйиш қерак бўлади. Бунинг учун, нимага шунака бўлди, бошқача эмас, каби саволларни бериш, фойдаланилган усуслар ва вазифаларни таҳлил қилиб чиқиш қерак бўлади.

Шундай қилиб, мониторинг ва баҳолаш, фаoliyati ва унинг натижаларни тасаввурини, чукурроқ ва тўлиқ кўринишда бера олади. Асосий вазифа, иш сифатини ошириш ва уни самаралироқ бажаришга қаратилган.

**Рихсхон САЛИХОДЖАЕВА,
Дилрабо УРУНОВА.**

МОНИТОРИНГ ВА ҲАМШИРАЛИК ИЗЛАНИШЛАРИ

● Ҳозирги кунда ҳамширалик иши бўйича илмий изланишларнинг ўтказилиши кўпгина ҳалқаро ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда ва изланиш натижалари мижозларни парвариш қилишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши исботланмоқда. Изланишлар ўтказиш учун ҳамширалар томонидан амалиётда олиб борилаётган вазифалардан фойдаланилади. Шу туфайли ҳамширалик жараёни (мижоз ахволини баҳолаш, ташис қўйиш, парваришни режалаштириш ва олиб бориш, натижаларни баҳолаш) изланишларнинг асосий структураси хисобланади.

● Ҳамширалик ишида илмий изланишлар, мониторингларнинг олиб борилиши муҳим саналади. Аҳамиятли жиҳати, «ўқиш» тушунчasi билан «касб» тушунчасидаги фарқ, бу касбга эга бўлган инсонда аниқ ва юқори даражали билимларнинг мавжудлигидir. Ҳамширалик ишининг асосий мақсадларидан бири - саломатликни кўллаб-кувватлаша ва яхшилаш борасида янги тадбирларни ўтказиш усусларини топиш. Касаллик табиити ва ёрдам кўрсатиш мажмуасининг ўзгаришига кўра, ҳамширалар томонидан ўтказиладиган тадбирлар кўриниши ҳам ўзгариши лозим. Амалиётга асосланган ва доимий олиб бориладиган ҳамширалик изланишлари, мониторинг ва ўз-ўзини баҳолаш тадбирларининг ўтказилиши, тиббий хизмат истеъмолчиларининг ўзгариб борадиган талабларини қондиришга қаратилган.

Мамлакатда аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда асрарни таъминлайдиган йўлни тузиш, ривожлантириш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли ҳуқуқларини эътиборга олиш ва ижтимоий ҳимояни таъминлашда ҳамшираларнинг роли бебаҳодир.

Ҳамширалик ишидаги мониторинг ва изланишлар бу билим даражасини мукаммаллаштиришга қаратилган мунтазам равишдаги изланиш ҳамда таҳлилларни ўтказиш ва олинган билимларни ҳамширалик амалиётida татбиқ қилиш тушунилади. Ҳамширалик мониторинги ва изланишлари ўтказилшининг асосий сабабларидан бири бу-тадбирлар доимий равишда мижоз билан ишлаш хизматини мукаммаллаштириш имконини бериши.

Шу билан бир қаторда, мониторинг ва изланишлар, ҳамшираларнинг узлуксиз касбий таълим давомида олган билимларини амалиётда қанчалик татбиқ қилинишини ўрганиш имконини ва уларнинг натижаларини кўрсатиб бера олади. Ушбу ўкув курси ҳар бир ҳамширага ўз-ўзини баҳолаш, мониторинг ва изланишлар олиб бориш имконини беради. Ҳамширалик ишида мониторинг ва изланишларни олиб боришни йўлга қўйиш, мутахассисларни касбий малакасини ошиши ва аҳолига юқори малакали хизмат кўрсатишни таъминлайди.

«МОНИТОРИНГ» АТАМАСИГА УМУМИЙ ТАЪРИФ БЕРИШ

Мониторинг - иш жараёнда фаолиятнинг бажарилишини кузатиб бориш, керак бўлганда уни тўғрилаш деганидир. Мониторинг олиб борилганда жараён баҳоланади.

Баҳолаш - жараён ёки иш тугагандан сўнг, керакли натижага эришилдими, йўқми, билиш учун таҳлил ўтказишни англатади. Сифатли баҳолаш сифатли мониторинг ўтказилишига боғлик бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам сифатли баҳолаш, сифатли мониторингга асосланади. Баҳолашда фаолиятнинг натижаси кўриб чиқилади. Яъни, ҳамширалик иши айнан шундай, бошқача эмаслигини тушуниш учун, уни амал-

га ошириш ва юзага чикариш жараёнида нималар рўй берганини аниклаш керак бўлади. Агар олинган натижалар ижобий баҳоланган бўлса, бу маълумот келгуси тадбирлар пайтида ҳам фойдали бўлади. Мониторинг ёки изланиш каби фаолиятлар олиб бориш жараёнида стандарт, индикатор каби атамаларни ҳам тушуниш лозим.

Стандарт - бу кутилаётган сифатнинг ифодасидир. Стандартнинг 3 тоифаси мавжуд:

1. Ҳисса стандартлари, яъни манбаларнинг давлат/дастур томонидан талаб қилинадиган сифати.

2. Жараён стандартлари - кўлланилиши зарур бўлган тадбир жараёнини четга чиқишилариз таърифланиши.

3. Натижা стандартлари - кутилаётган натижанинг оптималь даражасини таъминланиши.

Индикатор - бу стандартдан қанчалик узоқда ёки якинда тузилганини сон жиҳатидан кўрсатадиган кўрсаткичидир. Индикатор - бу фаолиятни кўрсатадиган ойнайдир.

1. Ҳисса индикаторлари - бу жиҳозлар, тиббиёт ходимлари, маблағлар киради.

2. Жараён индикаторлари - семинарлар, мониторинг ва баҳолашлар тезлиги ва бошқалар.

3. Натижা индикаторлари - семинарлар, мониторинг, баҳолаш самарадорлиги, иштирокчилар, тиббиёт ходимлари, аҳолининг қониқканлиги.

Яхши индикатор бир нечта мезонларга мос келиши керак:

- мустаҳкамлик - индикаторларни хисоблаш учун, айнан ўша жараённи кўлланилиши доим бир хил натижаларга олиб келади;

- мақсад - индикаторлар барча томонидан бир хилда таъкид қилинади ва вақт ўтгани билан маъноси ўзгарамайди;

1	диагностика қилиш масалалари бүйича тушунтириш ишларини олиб бориш. Маҳалла кўмиталари ва ички ишлар органлари вакилларини сил касаллигининг олдини олиш ҳамда пенитенциар ва фуқаролар секторлари ўртасидаги ворислик бүйича ишларга жалб этиш. Телевидениеда роликлар намойиш этиш, газеталар саҳифаларида "Сил касаллигини даволаш мумкин" доимий руқнини ташкил этиш. Сил касаллигининг олдини олиш ва уни ўз вақтида даволашнинг муҳимлигини тушунтириш бүйича аҳоли кенг қатламлари учун мўлжалланган материаллари ва кўргазмали кўлланмаларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш. Сил ва ОИТС касалликлари аксарият ҳолларда биргаликда кечишини инобатта олиб, ушбу касалликларнинг олдини олиш чораларига қаратилган кўргазмали маълумотлар, эслатма ва роликлар тайёрлаш	Доимо	Пресс секретарь	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида	Бюджет маблағлари	Аҳолининг тиббий саводхониягина ошириш, аҳоли ўртасида сил касаллигининг олдини олиш ва тарқалишини камайтириш
2	Янги туғилган чақалоқларни эмлашни тўлиқ қамраб олишни ва 15 ёшдаги ўсмиirlарни БЦЖ вакцинаси билан бир марталик ревакцинация қилишни таъминлаш	Доимо	ИМ ва ИАББ, СЭНББ, О ва МКББ, ДПЕББ	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида	Бюджет маблағлари	Болалар ва ўсмиirlарда сил касаллигининг генерализацияланган ва оғир шакллари ривожланишининг олдини олиш
3	Сил касаллигига чалинган беморлар билан бирга бўлган болаларни сил касаллиги микробактерияларини ажратувчи сил касаллигига қарши препаратлар билан кимёвий профилактика қилиш.	Доимо	О ва БМКББ, ИМ ва ИАББ, ДПЕББ, Ф ва ПРИИАМ	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида	Бюджет маблағлари	Болалар ўртасида сил касаллиги ривожланишининг олдини олиш
4	ОИВга чалинган шахсларни сил касаллигига қарши препаратлар билан кимёвий профилактика қилиш.	Доимо	СЭНББ, ДПЕББ, ИМ ва ИАББ, Республика СПИД маркази	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида	Бюджет маблағлари	ОИВга чалинган шахслар ўртасида сил касаллиги ривожланишининг олдини олиш

ТЕРМИНОЛОГИК ЛУФАТ

АКАРИАЗ - ACARIASIS, ACARINOSIS, ACARIOYSIS - группа дерматозов, вызванная клещами.

АКНЕ - ACNE - воспалительные изменения сальных желез или их выводных протоков.

АКРОЭСТЕЗИЯ - ACROAETHESIA - повышенная чувствительность дистальных частей тела.

АКТИНОМИКОЗ - ACTINOMYCOSIS - хроническое инфекционное неконтагиозное заболевание человека и животных, вызываемое лучистыми грибками.

АКЦЕЛЕРАЦИЯ в антропологии и медицине - ACCELERATIO - ускорение роста и развития детей и подростков.

АЛАКРИМИЯ - ALACRYMIA - врожденное отсутствие слезоотделения.

АЛЛОПАТИЯ - ALLOPATHIA - обычные общепринятые методы лечения, применяемые официальной медициной.

АКАРИАЗ - каналар келтириб чиқарадиган дерматозлар гурухи.

АКНЕ - ёф безлари ёки улар чиқарыш ю'llarining yallig'i o'zgarishlari.

АКРОЭСТЕЗИЯ - oyoq va qo'llarda sezuvchanlikning ortishi, zo'rayishi.

АКТИНОМИКОЗ - одам ва хайвонларда нурли замбуруғлар келтириб чиқарадиган сурункали неконтагиоз инфекцион касаллик.

АКЦЕЛЕРАЦИЯ антропология ва тиббиётда - болалар ва ўсмиirlарнинг ўсиши ва ривожланишининг жадаллашиши.

АЛАКРИМИЯ - ko'z yoshining tug'ma yo'qligi.

АЛЛОПАТИЯ - rasmiy tibbiyotda qo'llaniladigan umumiy qabul qilingan davolash usullari.

AKARIAZ - kanalar keltirib chiqaradigan dermatozlar guruh.

AKNE - yog' bezlari yoki ular chiqarish yo'llarining yallig'i li o'zgarishlari.

AKROESTEZYA - oyoq va qo'llarda sezuvchanlikning ortishi, zo'rayishi.

AKTINOMIKOZ - odam va hayvonnorda nurli zambruug'lар keltirib chiqaradigan nokontagioz surunkali infeksiyon kasallik.

AKSELERATSIYA antropologiya va tibbiyotda - bolalar va o'smirlarning o'sishi va rivojlanishining jadallahishi.

ALAKRIMIYA - ko'z yoshining tug'ma yo'qligi.

ALLOPATIYA - rasmiy tibbiyotda qo'llaniladigan umumiy qabul qilingan davolash usullari.

КОЛЛАПС

(Давоми, боши ўтган сонда.)

С.Н. НУРИДДИНОВ,
Тошкент тиббиёт академияси, доцент

● **КОЛЛАПС - ўткир томир етишмовчилиги бўлиб, томирлар тонусининг бирдан пасайиб кетиши ва айланаштган қон ҳажмининг нисбий камайиши, яъни томир ҳажми билан қон ҳажмининг номутаносиблиги кўринишида намоён бўладиган патологик ҳолат хисобланади. Бунда хушдан кетиш кузатилмайди, лекин баъзи ҳолларда хуш йўқолиши мумкин.**

● Клиник амалиётда коллапс кенг тарқалган бўлиб, кўп касалликлар ва патологик ҳолатлар кечувини оғирлаштиради.

Этиопатогенез

Томир етишмовчилигининг бу кўринишига куйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- бактериал (пневмония, пиелонефрит ва б.) ва вирус (грипп, гепатит ва б.) кўринишидаги инфекцион касалликлар;

- эндокрин касалликлар (қандли диабет, буйрак усти ва қалқонсимон бези етишмовчилиги);

- миокард инфаркт билан оғирлашган юракнинг ишемик касаллиги;

- нерв системаси касалликлари (цереброваскуляр касаллик, мия шиши ва б.);

- углерод оксида (заҳарловчи газ), фосфорорганик бирималлар, оғир металлар (қўроғшин, маргимуш, симоб ва б.) билан интоксикацияланиш;

- корин бўшлифи аъзоларининг ўткир хасталиклари (аппендицит, холецистит, панкреатит ва б.), айнича, перитонит билан кечувчи;

- психоэмоционал стресс;

- куйишлар ва шикастлар;

- дори препаратларини (гипотензив, сийдик ҳайдовчи, томир кенгайтирувчи ва б.) ортича дозада қабул қилиш;

- ўткир қон кетиши;

- исиб (қизиб) кетиши.

Юкорида санаб ўтилган ва баъзи бошқа этиологик омиллар томир тонусининг тушишига, турли кўринишдаги ўткир қон йўқотишлар эса АҚХ камайиши билан кечади. Натижада, веноз қоннинг юракка бориши сусади, артериал ва веноз босим пасаяди, мия ва бошқа органларнинг қон билан таъминланиши ёмонлашади, уларнинг функциялари бузилиб, коллапснинг клиник белгилари намоён бўлади.

Диагностика

Коллапсга тўсатдан пайдо бўладиган умумий ҳолсизлик, корин қисмида босимни сезиш, оёқ-қўлларнинг совуша ҳамда чанқоҳ ҳисси хос. Кўрик пайтида тери ва шиллиқ пардаларнинг қонсизланиши, совук тер пайдо бўлиши, периферик томирларнинг пучайиши, тезлашган ва юзаки нафас, кучсиз (ипсисон), одатда тезлашган пульс, паст АБ қайд этилади.

Инсон ҳушида бўлиши мумкин, бироқ аксарият ҳолларда онг фаолиятининг сусайишидан тортиб, умуман хушдан кетиш ҳолати кузатилади. Кўлларнинг титраши

(тремор) ва судороги, яъни алаҳлаш пайдо бўлиши мумкин.

Лаборатория ва инструментал тадқиқотлар рўйхати хилма-хил бўлиб, шифокор томонидан аниқланади ва коллаптоид ҳолатга (касаллик, кўйишлар, шикастланишлар, қон йўқотиш, интоксикация ва б.) боғлик бўлади. У оддий (стандарт), ўз ичига қоннинг клиник таҳлилини, қонда глюкоза ва электролитлар (натрий, калий, кальций, магний, фосфор) концентрацияси, сийдикнинг умумий таҳлилини ва копрограммани қамраб олувчи ҳамда анча катта-биокимёвий, бактериологик, рентгенологик, ультратовуш, электрокардиографик ва ўзга усувларни кўлловчи бўлиши мумкин.

Ҳамширалик ёрдами

Ҳамшира беморни касалхонада, амбулатор-поликлиника шароитларида назорат қилганда ёки у билан биринчи бор кўришганда коллапсни олдиндан билиши ёки ташхис кўйиши, шифокорни чакириб, биринчи ёрдам кўrsata олиши, интенсив терапия бўлимига ёки реанимацияга ётқизиши керак.

Коллапс ҳолатида ҳамшира куйидагиларни бажариши лозим:

- беморни текис жойга (каравотга) ётқизиб, оёқларини тепага кўтариб кўйиш;
- ўрнидан турмай ётишини қаттиқ назорат остига олиш;
- уни тинчлантириб, психологоқ жиҳатдан кўллаб-кувватлашаш;
- пульс ва нафас олишини текшириб, АБни ўлчаш;
- намланган кислородли ингаляцияларни кўллаш.

Ҳамширанинг шифокор билан биргаликда олиб бораётган муолажалари томир тонусини оширишга ва АҚХ ни тиклашга, АБни мөёрга келтиришга, мия ва бошқа аъзоларда қон айланишини яхшилашга қаратилган. Шу мақсадда АБ тушиши даражасига ва коллаптоид ҳолатнинг оғирлигига қараб томир ичига юбориш учун 1% меатон эритмаси, 0,1% адреналин эритмаси, 0,05% дофамин эритмаси, 90-150 мг преднизолон ҳамда 5% глюкоза эритмаси, ош тузининг изотоник эритмаси, реополиглюкин ва бошқа инъекциялар кўлланлади. Ҳамшира тоза ҳавонинг етарлича бўлишини (хонани шамоллатиш), шифохона ва ўй шароитида санитар-гигиеник муолажаларига амал қилишини назорат остига олади. АБни пасайтирувчи дори препаратларини бекор қиласи, беморга ҳамда унинг оила аъзоларига коллаптоид ҳолатларда кўrsatiladiган тез ёрдам усувларини ўргатади.

Касални кузатиш мобайнида ҳамшира унинг умумий ҳолатини, коллапс ва асосий касалликнинг (пневмония, миокард инфаркт ва б.) клиник юзага келиш динамикасини баҳолайди, пульс (тезлиги, ритми, тўлиқлиги, таранглиги) ва АБни мунтазам аниклаб, шифокорга ахборот берид боради.



ЧАҚАЛОҚЛАРДАГИ ҚОРИН ОҒРИҚЛАРИ

● Маълумки, олти ойгача бўлган чақалоқлар оналарининг шифокорга энг кўп мурожаат қилишининг асосий сабабларидан бири бу чақалоқлар қорин оғриғига шикоятидир. Аёлларда туғурқдан кейинги даврда дисспепсия (метеоризм, қабзиятлар ва ошқозон-ичак йўлининг бошқа сурункали йўлдош касалликларининг зўрайиши) пайдо бўлиши – бу тез-тез учраб турадиган ҳолат. Туғурукдан кейин бу муаммо нафақат онанинг саломатлигига таъсири қиласди, балки эмизадиган фарзандида юзага келадиган қорин оғриғига (корин дам бўлиши) ҳам сабаб бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам онани соғломлаштириш муаммоси янада долзарб аҳамият касб этади.

● Чакалоқларда қорин оғриқлари – қориннинг дам бўлиши, гўдакнинг сабабсиз чинқириб йиглаши каби белгилар билан кечади ва чақалоқ хаётига жиддий хавф солмаса-да, унинг жисмоний ва руҳий ҳолатини ёмонаштириб, оиласдаги руҳий муҳитни издан чиқаради. Олти ойгача бўлган болаларнинг 70% да функционал ичак санчиқлари қайд этилади, суткада 2,5-3 соат (безовталикнинг бир кундаги умумий вақти) давом этади ва гўдакни тақорор-тақорор безовта қиласди. Болалардаги бу абдоминал оғриқлар 90-95% ҳолатларда функционал характерга эга бўлиб, фақат 5-10% ҳолдагина органик сабаблар билан боғлиқ бўлади. Аксарият олимлар буни сабабини чақалоқ ичагининг нерв-мускул аппарата тўлиқ шаклланмаганлиги фонида ичакда овқат ҳазм қилишда иштирок этувчи ферментлар етишмайди, нормал микрофлора кечикиб ишга тушади, деб хисоблайдилар. Шу билан бирга 70% ҳолларда бунга эмизувчи онанинг ҳолати: овқатланиш характеристики, ошқозон-ичак йўлининг сурункали касалликлари, қорин бўшлиғида газ ҳосил бўлишининг юқорилиги, ичак микробиоцинози шакланишининг бузилиши сабаб бўлади.

Тадқиқотларимиз давомида анамнез йигиш натижасида шу нарса аниқландики, гепатобилиар (ощозон, ичак, жигар, ўт пуфаги) тизими касалликлари бор эмизикли аёлларнинг гўдакларида (кўкрак сути билан боқилаётган) қорин оғриқлари кўпроқ учрар экан. Бу оналарни соғломлаштириш масаласининг долзарблигини яна бир марта тасдиқлади.

Қорин санчиқларини бартараф қилиш учун педиатрлар одатда оналарга ҳар хил тавсиялар беришади: эмизишда кўкракни тўғри тутиш, боланинг қорнига илиқ пелёнка бошиш, қорнини силаш, онанинг овқатланиш рационини оптималлаштириш. Мазкур чора-тадбирлар самара бермаганда, педиатрлар дори препараторларини тавсия этадилар. Бироқ педиатр томонидан тайинланган препараторларни истеъмол қилиш она ва бола учун ноқулайликлар туғдириши мумкин.

- Баъзи дори дармонларни кўп миқдордаги сувда эртиб (100 мл), ичириш тавсия қилинади. Бу Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига тўғри келмайди: бу ойгача бўлган гўдакларда сув ичиш режими чеклаш, гўдакни асосан кўкрак сути билан боқиш лозим.

- Бундан ташқари, гўдакларнинг кўпчилиги кунига 3-4 маҳал тўла чой қошиқда турли сүспензияларни қабул қилишга тайёр эмасдиirlar. Дорини ичириш жараёни бутун бошли "маросимга" айланиб, унга кўпинча гўдакка эмас! кунига 1 таблеткадан 3 маҳал 3 ҳафта мобайнинида, жигар касалликларида эса 3-6 ой давомида тайинланди.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, афсуски, чақалоқка берилган дори воситаларини ҳар доим ҳам бериш 100% самара бермайди, чунки кўп ҳолатларда гўдак қорин оғриқларининг сабаби она томонидан (онанинг ошқозон-ичак тизимининг соғлиги сустлиги) келиб чиқади. Демак, оналар томонидан келиб чиқадиган сабабларини бартараф этиш керак, яъни оналарни соғломлаштириш зарур: соғлом онасоғлом бола!

Тажрибали шифокорлар бундай ҳолатлар юзага келишини хисобга олиб, аксарият ҳолларда дори воситаларини оналарга буюрадилар. Бу – бир томондан она соғлиғига, бошқа томондан кўкрак сутини истеъмол килаётган гўдак организми ижобий таъсири кўрсатади.

Ҳар қандай давонинг асосий таъмили, айниқса ҳомилорада эмизикли оналарда – бу унинг бехатарлиги ва хавфзислигидир. Бундай ҳолларда клиник текширувлардан ўтган, хавфсиз ва самарадорлиги тасдиқланган дори воситасида танловга лойиқ бўла олади. Хозирги кунда шу талабларга жавоб берадиган, йиллар давомида ишлатилиб текширилган, врачлар ишончни оқлаган дори воситаси – Цинарикс таблеткалари. Цинарикснинг таъсири Европанинг етакчи тиббиёт илмий-текшириш муассасаларида татбиқ этилган, Цинариксни кўлаш тажрибасига оид илмий мақолалар чоп этилган, кўп сонли клиник текширувлар олиб борилган. Ўзбекистонда ҳам шифокорлар Цинариксни

кўллаш тажрибасига эгадирлар, жумладан, Цинарикснинг клиник синовлари Республика Педиатрия ихтинослашган илмий-амалий марказининг клиник базасида ўтказилди.

Тадқиқотларда ошқозон-ичак йўлининг сурункали касалликлари билан касалланган 32 та оналар ва гўдак боласи иштирок этди. Клиник кузатувлар чақалоқлар туғилганидан кейин 2,5 ой давомида ўтказилди. Препарат эмизикли оналарга (гўдакка эмас!) кунига 1 таблеткадан 3 маҳал 3 ҳафта мобайнинида, жигар касалликларида эса 3-6 ой давомида тайинланди.

Цинариксни кўллаб, даволаш курсини ўтказиш натижасида эмизикли аёлларнинг 87,5% ида ижобий тера-певтик самара берди. Уларнинг чақалоқларида ҳам ижобий динамика қайд этилди. Хусусан, 55% болада қорин дам бўлиши, 33% болада эса қабзият ҳолатлари камайди. Болаларнинг ичи бир кунда 5 маҳал келиши, ранги сариқлиги ва овқатнинг ҳазм бўлганлиги кузатилди.

Холосалар:

1. Болалардаги ичак санчиқлари терапиясида куйидаги ёндашув усули юқори ижобий баҳоланди: гепатобилиар тизими касаллиги бор эмизикли оналарда Цинарикс кўлланилганда ижобий таъсири нафасат онада, балки кўкрак сути билан боқилаётган гўдакларда (ощозон-ичак) ҳам қайд этилди.

2. Гўдаклардаги ичак санчиқлари бартараф этиш мақсадида, гепатобилиар тизим касаллиги бор эмизувчи оналарга, Цинарикс препаратини тайинлаш мақсадга мувофиқ.

Цинарикс Австриянинг "Монтавит" компанияси етказиб берадиган юқори сифатли ўсимлик ҳомашёсидан Ўзбекистоннинг "Фармад саноат" маҳаллий корхонасида ишлаб чиқарилади. Цинарикс врач рецептизис бериладиган дори воситаси бўлиб уни республикамизнинг барча дорихоналаридан сотиб олиш мумкин.

Гулчехра БАБАЖАНОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси
акушерлик ва гинекология
кафедраси профессори.

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

● Ҳар йили мамлакатимизда 9-май «Хотира ва қадрлаш куни» сифатида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва фронт ортида меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, ўтганларни хотирлаш ва бу билан ёш авлодни тинчлик қадрига етиш, уни асрашга чорлаш максадида жойларда турли тадбирлар ўюштирилади. Ва бу каби анъанавий тадбирлар барчамизни кўнглимизда сергаклик ва фахр туйгуларини жўш урдиради.

● Шу каби тадбирлардан бири 6-май куни Ўзбекистон Республика Соғлиқни сақлаш вазирилиги мажлислар залида соҳа вакиллари орасидаги уруш ва уруш ортида меҳнат қилган фахрийларини байрам билан табриклаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири А.Икрамов кириш сўзи билан очиб, йигилганларни байрам муносабати билан самимий табриклиди ҳамда фахрий мөхмонарларга вазирлик номидан эсадалик совғалар топшириди.

- Урушнинг энг даҳшатли даври ўтиб кетганига кўп вақт бўлган бўлса-да, аммо ўша пайтдаги асорат ва айриликлар ҳамон юртошларимиз қалбини ларзага келтириши аниқ, - дейди биз билан сұхбатда «Ҳамшира» журнали ижрочи директори Абдукарим Усмонходжаев, - биз бу-

гунги тинч ва осойишта кунимизга ҳар куни шукронда айтишимиз лозим, токи бундай уруш бундан кейин хеч қаҷон бўлмасин. Фарзандларимиз биз кўрган ўша мудҳиш кунлар ҳақида фақат тарихдан сабоб олишсин. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳамда фронт орқасида хизмат қилган инсонлар меҳнатини ҳануз эслаб, эътибор қаратаётган давлатимиз доим тинч бўлсин.

Тадбир сўнггида В. Успенский номидаги Республика ихтинослаштирилган мусиқа лицейининг бир гурӯх ўкувчилари фахрийларни ўзлари тайёрлаб келган мумтоз ва уруш даври хотираларига бағишлиланган кўй-кўшиклиари, саҳнавий кўринишлари билан хушнуд этишиди.

Феруза Кувонова.



БЕМОРЛАРГА ШИФО УЛАШИБ...

● Инсон ҳаёти ва соғлигини асрашда тиббиётдаги ҳар бир соҳанинг ўз ўрни бор. Бирок, бу тизимда шундай бир йўналиш борки, улар дард ёки фалокат саломатликка раҳна согланда биринчилардан бўлиб оёққа қалқииди ва кўмакка етиб келади. Булар шошилинч тиббий ёрдам хизмати шифокорлариридир.

● Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Наврўз байрами ва шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасалари ҳамда шифокорлари ўртасида эълон қилинган танлов якунларига бағишлиган тадбирда ана шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири А.Икрамов эл саломатлигини асраш йўлида кечоу кундуз тиним билмай меҳнат қилаётган соҳа ходимларини юртимизга кириб келган янгиланиш ва яшариш айёми - Наврўз олам билан кутлади. Тадбирда таъкидланганидек, йигирма йиллик тараққиёт йўли ҳалқимиз ҳаётида унтилимас воқеалар, тарихий ҳодисаларга бой бўлди. Бу йиллар жамиятнинг бошқа соҳалари каби тиббиёт ривожида ҳам мунособ ўрин қолдирди. Ўтган йилларда мамлакатимизда миллӣ ва замонавий тамоилиларни ўзида ифода этган, юксак технологияларга асосланган тубдан янгилangan ва такомиллашган соғлиқни сақлаш тизими шаклланди.

Юртимизда амалга оширилаётган кучли тиббий-ижтимоий сиёсатнинг муҳим ифодаси бўлган шошилинч тиббий ёрдам тизими унинг ўзига хос бўғинларидан биридир.

Бу хизмат Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони асосида шаклланди ва бунгига кунга келиб соғлиқни сақлаш соҳасининг алоҳида, йирик ташкилий тузилмасига айланди. Шошилинч тиббий ёрдам хизмати тиббий ёрдамнинг тезкорлиги, даволаш жараёнининг босқичма-босқичлиги, тасдиқланган стандартлар ва юкори технологиялар асосида хизмат кўрсатиш, аҳолининг барча қатламини қамраб олишга асослангани билан аҳамиятларидир.

Хозиринга кунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоятларда 13 та, туманларда 174 бўлимлари самарали фаолият юритмоқда. Унинг таркибида 194 тез тиббий ёрдам станцияси, 2200 дан ошик тез тиббий ёрдам бригадалари ҳамда фавқулодда вазиятларда хизмат кўрсатишга ихтиослашган санитар авиация хизмати ҳам фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майдаги «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомillаштириш тўғрисида»ги 114-сонли Қарори хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш ва шошилинч тиббий ёрдам тизимининг моддий-техника салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлаётir.

Бу йўналишдаги вазифалар изчил бажарилиши натижасида мазкур тизим кейинги иккى йил ичида беш



юздан ошик маҳсус транспорт воситалари билан таъминланди. Уларнинг юздан кўпроғи сунъий нафас бериш, ЭКГ, томирга дори юбориш, қон босимини, томир урушини ўлчайдиган ва бошқа зарур шошилинч муолажаларни йўл-йўлакай бажариб кетишга мўлжалланган тиббий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган замонавий реанимамобеллардир.

Ушбу тез ёрдам машиналарини техник жиҳатдан соз сақлаша ва узоқ фойдаланиш учун бир қанча гаражлар барпо этилди, мавжудлари қайта реконструкция қилинди.

Тизимда фаолият юритаётган шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш ҳам доимий эътиборда. Ана шу вазифаларни бажариш, ҳамон тиббиётининг соҳага таалукли илғор услубларини ўзлаштириш мақсадида Россия, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Украина каби ўнга яқин тараққий этган хорижий мамлакатларнинг нуфузли илм-фан марказлари, клиникалари билан яқин алоқалар йўлга қўйилган.

Тизимда фаолият юритаётган шифокорлар бу борада яратилаётган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиб, сезиларни натижаларга эришмоқдалар. Бугунги кунда ҳалқимизнинг шошилинч тиббий ёрдам хизматига муроҷаати кўпайиб бораётгани, ишончи ва эътибори ошаётгани бунинг исботидир. Бундай натижаларни нафакат юкори, балки, куйи бўғинлар фаолияти мисолидан ҳам кўриш мумкин.

Самарқанд вилояти Каттакўрон шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими ҳалқимизга юкори савияда тиббий хиз-



лили шуни кўрсатадики, гурухларга ажратиш, режа ва дастур асосида машғулотлар ўтказилиши яхши натижалар бермоқда.

Ҳамширалар амалий машғулот қисмida ҳужжат тайёрлаш, сақлаш, ўзgartириш, безаш ва барча ҳужжатлар асосида ўзлари мустақил равишида иш юритишни ӯрганиб оладилар. Жорий ва якуний назорат ишларираги тест саволарига жавоб бериш давомида эса ўз малака ва кўнинкамларини мустаҳкамлаб борадилар. Шунингдек, машғулотларимиздан кейин тингловчилар назорат имтиҳонлари давомида бемалол компьютердан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Шуни таъкидлаш жоизки, тест дастурлари нафақат малака оширувчиларнинг билим даражасини аниқлайди, балки шу соҳа бўйича тест дастурлари тингловчиларни информацион материаллар билан таъминлайди.

Дипломдан кейинги таълим мазмунининг барча муахассисларни бўйича шу жумладан «Ахборот коммуникация технологияси» курсидан мақбул меъенини танлаб олиш ва таҳсил олувларнинг мулкига айлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий ҳамшира энди шунчаки техник ходим эмас, эркин фикрловчи, ўз ишини таҳлил қилувчи, амалий фаолиятни динамик равишида олиб борувчи муҳақкис эканлигини ходимларимизга тушунириш орқали уларни психологик жиҳатдан бойитиш ҳам асосий мақсадларимиздан биридир.

Чунки, юкори маънавиятга эга ҳамширалар нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимиз соғлиқни сақлаш ти-

зимининг асосий негизидир. Каоб танлашда адашмаслик кундалик фаолият билан бирга ўз устида мунтазам ишлаш, тиббий илим равнақи тиббиёт борасидаги жаҳон тажрибаларидан хабардор бўлиш, амалиётда ўзлаштирган билимлардан омилкорлик билан фойдаланиш эртанги кун ҳамширасининг вазифаси ҳисобланади. Вилоятимизда фаолият қурсатадиган ҳамширалар аҳоли соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда доимо камарбаста.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, тиббиёт фани йилдан йилга равнақ топиб, ташхис кўйиш, даволаш ва профилактика соҳасида туб ўзгаришлар, ишлотлар рўй бермоқда. Биз тингловчиларга машғулотларда айнан шундай ўзгаришларни етказишга интилмоқдамиз. Бу ишларда бизнинг аҳил ўқитувчи-педагог ходимларимиз ҳозирги замон педагогик таълим асосларини кўллаган ҳолда юкори натижаларга эришмоқдалар. Бизнинг асосий вазифамиз - ҳалқимиз саломатлигини муҳофазалашдек шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари бўлган Андижон вилоятининг ўрта тиббиёт ходимларини замон талаблари асосида жаҳон андозаларига мос равишида чукур назарий билимлари ва амалий кўнинкамларини янада мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлотларни изчиллик билан амалга оширувчилари бўлишига ёрдам беришдан иборат.

Гулнора ТУРАХОДЖАЕВА,
Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар
малакасини ошириш ва ихтиослаштириш
Республика маркази Андижон филиали директори.

ҲАМШИРАГА ҚАЙДЛАР

Иш жойингизда муолажалар бажараётганингизда атроф муҳит, хулқ-атвор хавфсизлиги таълабларига риоя қилинг.

Муолажаларни бажараётганингизда телефон гўшагига тегиш мумкин эмас!

Даволовчи муолажаларни бажараётганинг кўли орқали турли патоген микроорганизмлар ташки мухитдаги буюмларга ҳам ўтади.

Бунинг натижасида телефон, компьютер клавиатуроси, авторучка, қалам, дафтар сиз ва сизнинг ҳамкарабаларингиз учун инфекция манбаига айланаб колади. Тиббиёт муассасаларида жиҳозларнинг сатҳи микробиологик таҳлил қилинганида телефон, компььютер




иш жойингизда овқатлансангиз ёки пардоз қўлсангиз хавфли микроорганизмлар юзингиз териси ва кўз, бурун шиллик қаватларига тушиб, маҳаллий ва умумий патоген жараёнлар сабабчиси бўлиши мумкин.



Даволаш-профилактика муассасидан ташқарида маҳсус тиббий кийимда юриш ман этилади.

Қўл гигиенасига алоҳида эътибор беринг!



ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР - ЭЛГА ЭЪТИБОР

● Бугунги Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказининг Андикон филиали дастлаб билим юти сифатида 1979 йилда ташкил этилган. Айни пайтда вилоятдаги Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар ушбу марказда ўз билим ва малакаларини ошириб келмоқдалар. Ҳозирги кунда уларнинг сони 23680 тани ташкил килиб, бундан 4 000 нафар ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари ҳар иили ўз малакасини оширади.

Ходимларнинг замонавий кадр сифатида шакллантиришда, филиалда назарий машғулотларни юкори савияда ўтказилишини таъминловчи замонавий техника ва кўргазмали воситалар билан жиҳозланган ўкув хоналар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, филиалда мавжуд интернет тармоғига уланган компютерлар малака оширувчи мутахассисларни дунё билимлари билан ҳамнафаслигига хисса кўшиши табиий. Шунингдек, ўкув машғулотларида «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан келтирилган муляжлар, фантомлар ва замонавий компютерлардан ҳам ўқитиш давомида унумли фойдаланиляпти.

Филиалда малака оширувчи ўрта тиббиёт ходимлари тажрибали, олий тоифали шифокор-педагоглар, фан докторлари ёрдамида назарий ва амалий билимларни ошириб борадилар. Амалий машғулотларни юкори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида дарслар Андикон тиббиёт институти олимлари, вилоят ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари билан тузилган шартномаларга асосан олиб борилмоқда. Амалий машғулотлар филиални ўкув базалари - Республика шошилинч тез тиббиёт ёрдам илмий маркази Андикон филиали, Андикон тиббиёт институти клиникаси, вилоят ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиология назорат марказларида ўтказиладиган маҳсус жиҳозланган ўкув хоналарда ўтказилади.

Филиалда ходимлар ҳамда малака оширувчи тингловчилар ўтасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда. Зоро, тиббиёт маънавиятдан бошланади. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ўрта тиббиёт ходими ўз касбини пухта билиши билан бирга, унда маънавият-маърифат сабоқлари мужассам бўлиши керак.

Маънавияти юксак бўлмаган тиббиёт ходими тиббиёт этика ва деонтологияни ҳам билмаслиги мумкин. Шунинг учун маънавият ва маърифат асослари фани машғулотларни белгиланган режа ва дастурларга асосан, юкори савияда ўтказилиши катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, таълим даврида тингловчиларнинг дунёвий тушунчасини кенгайтириш мақсадида дарсдан ташқари, турли долзарб ҳаётий мавзуларда сұхбатлар, китобхонлар конференциялари, учрашувлар, маданий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказилмоқда. Малака оширувчи тингловчилар билан соҳага оид янгиликлар ва матбуот материаллари юзасидан сұхбат-тренинглар ўтказилади. Республика ва вилоят газеталарида педагогларимизнинг долзарб мавзу-

ларда мақола ва рисолалари чоп этилмоқдаки, бу билан нафақат тингловчиларнинг, балки устоз-мураббийларимиз ҳам янгиликка ташна эканликларига амин бўламиз. Таълим жараённида маънавий жиҳатларга аҳамият беришимиз асосида ходимлар тиббий фаолияти ва ҳаёти давомида комилликка етаклаб, ўз касбига, халқига, Ватанiga бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширишга эришишдир.

Тингловчиларга таълим беришда ўқитиш эмас, билим олишига ўргатиш, тайёр билимларни айтиб бериш эмас, таълим олиш ва малака оширишнинг таркибий қисми бўлган «Ахборот коммуникация технологияси»дан билимларни ошириш мухим.

Малака ошириш Даструстлари ва режаларига асосан «Ахборот коммуникация технологияси» фани ҳар бир давр (цикл)да 4 соат амалий, 2 соат назарий машғулотлар билан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг 2011 йил 17 январдаги «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифасини бериш учун ўтказиладиган аттестация жараённида компютер-тест ва оғзаки имтиҳонлар таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21-сонли бўйруги Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш Маркази бўлимлари учун катта вазifa ва масъулият юклайди. Малака оширувчиларни билим савиаси ва амалий кўнкимлари дарражасини аниклашда компютер-тест имтиҳонларини ўтказиш тартибини амалиётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Шу мақсадда ходимларимизни компютер билимларини ошириш ва мукаммаллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаямиз.

2005-2011 ўкув йилларда «Ахборот коммуникация технологияси» фанидан ўтказилган машғулотларнинг таҳ-



мат кўрсатиб келаётган ана шундай замонавий тиббиёт муассасаларидан биридир. Каттақўрон шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими мудири Аҳад Турсуновнинг айтишича, бўлимга тушаётган ҳар бир мурожаатга шифокорлар ўз вақтида етиб бориб, малакали ёрдам кўрсатаётірлар.

Ушбу бўлим ўтган йил Наврӯз байрами арафасида янги бинога кўчиб ўтди. Замонавий андозалар асосида барпо этилган бинода тиббий хизматни юксак даражада ташкил этиш учун барча шароитлар юратилган. Техникаларни саклаш учун ёзги ва қишиги гаражлар мавжуд. Бу имконият шифокорларимизнинг ишига унум бағишиламоқда. Чақирикларга асосан юкори малакали врачлар бормоқда. Тез тиббий ёрдамга мухтоҳ бўлгандарнинг қарийиб етмиш фоизига чақириқ жойида малакали ёрдам кўрсатилади. Ўттиз фоиз бемор шифохона шароитида саломатлигини тиклади. Туман шароитида қорин бўшлиғи, ўпка, бўйрак ва бошқа аъзолардаги оғир хасталикларни оператив усу碌да даволашнинг янги технологияларидан ҳам самарали фойдаланиляпти.

Ушбу тиббиёт масканининг эришаётган ана шундай ютуқлари Соғлиқни саклаш вазирлиги ташаббуси билан тегишли Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига шошилинч тиббий ёрдам тузилмалари ўтасида ўтказилган танловда алоҳида эътироф этилди. Каттақўрон шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» деб топилди ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди. Танловда иккичи ўринни Хоразм вилояти Хонқа туман тез тиббий ёрдам бўлими, учинчи ўринни эса Наманганд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли тез тиббий ёрдам бўлими олди.



Тизимда эришилаётган салмоқли натижаларда малакали врачларнинг алоҳида ўрни бор. Шу сабабли ҳам танловда «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори» номинацияси жорий қилинib, у ҳам уч ўринда голибларни аниқлади. Биринчи ўринга Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андикон филиали тез тиббий ёрдам шифокори Венера Гуръянова лойиқ деб топилди. Иккичи ўринга Сурхондарё вилояти Денов туман тез тиббий ёрдам шифокори - Иброҳим Мардаев, учинчи ўринга РШТЭИМ Фарғона вилояти филиали тез тиббий ёрдам шифокори Улубек Мирзажонов муносиб деб топилди.

Шунингдек, тадбирда шошилинч тиббий ёрдамни ташкил этишда тез тиббий ёрдам машиналари хайдовчиларининг ҳам хизмати бекиёс экани эътироф этилди. Ташкилотчилар томонидан «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли хайдовчиси» номинацияси бўйича ҳам уч ўринда голиблар эълон қилинди. Бунда биринчи ўринни Тошкент шаҳар Соғлиқни саклаш бошқармаси тез тиббий ёрдам машинаси хайдовчиси Усмон Акобиров муносиб деб топилди. Иккичи ўринга Бухоро вилояти Соғлиқни саклаш вазирлиги ташаббуси билан тегишли Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига шошилинч тиббий ёрдам автомашинаси хайдовчиси Бобур Бозоров, учинчи ўринга Қашқадарё вилояти Соғлиқни саклаш бошқармаси автомашинаси хайдовчиси Жўра Шаймardonov сазовор бўлди.

Голиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тадбир санъат усталари ва ёш ижроичилар иштирокидаги концерт дастури билан яқунланди.

Бахор ХИДИРОВА.

КОЛЛЕЖ ВА КОРХОНА: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

● Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишинган Вазирлар Маҳкамасининг маълумасида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш масаласига алоҳида масъулият билан ёндашиш вазифаси белгиланган эди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги тиббиёт коллежлари ва тегишли ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда бу борадаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда тизимили иш олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда Соғлиқни сақлаш вазирилиги тизимида етмиш саккизта тиббиёт коллежларида таълимнинг олти йўналиши бўйича 164 мингдан зиёд мутахассислар тайёрланмоқда. Тиббиёт коллежларида худудларимизнинг ўрта бўғин тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжини инобатга олган холда малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ўқувчиларни амалиёт ишларига жалб этиш, «корхона - коллеж» ҳамкорлик алоқаларини йўлга кўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ана шу мақсадда тиббиёт масканларидаги уч юз йигирмадан зиёд ўқув хоналари академик лицей ва тиббиёт коллежлари талабалари учун клиник амалиёт базасига айлантирилди. Ушбу амалиёт базаларида ўтаётган машғулотларни шифо масканларининг етакчи мутахассислари олиб бормоқда. Бу жараёнда ёшларга келгуси иш фаолиятида зарур бўладиган барча билим ва кўнимилар, илгор тажрибалар ўргатилади, тиббиёт соҳасидаги янгиликлар, меъёрий-хукуқий хужжатлардаги ўзгаришлар хусусида батафсил маълумот берилади.

Республикамиздаги барча тиббиёт муассасаларида ўз тармоқларини янада ривожлантириш, соҳага мала-



дида коллеж ва даволаш муассасалари ўртасида устоз-шогирд анъанаси йўлга кўйилган. Тиббиёт коллежларининг иккинчи-учинчи босқич ўқувчилари даволаш-профилактика муассасаларида малакали ҳамширларга шогирд сифатида битиртирилмоқда.

- Бизнинг шифохонамида пойтахтимиздаги тўртта тиббиёт коллежи ўқувчилари амалиёт ўтамоқда, - дейди пойтахтимиздаги 4-болалар шифохонаси бош шифокори Феруза Оқилова.- Уларнинг амалий машғулотларини юқори технологиялар ва амалий тажрибалар асосида ўтказиш мақсадида ўн олтита хона ажратдик. Бизнинг шифохонамиз болалардаги юрак ва бўғим хасталикларини даволашга ихтисослашган. Шу боис, бу ерда ишлайдиган ҳамшира ўз соҳасининг пухта билимдони, шунингдек, болалар билан тез мuloқотга кириша оладиган, беморларга тиббий ва руҳий жиҳатдан таянч бўлишга қодир мутахассис бўлиши керак. Бу борада шифохонамида катта тажриба тўпланди. Олий маълумотли ва олий тоифали ҳамширларимизнинг хизматидан ҳалқимиз ҳамиша мамнун. Ана шу ютуқ ва натижаларимизни ўшларга тўла-тўқис ўргатмоқдамиз. Мақсадимиз - улар келгусида бизнинг сафимизга кўшилиб, ишни бундан да юксак савиядага ташкил этишга эриша олсин. Президентимиз томонидан илгари сурилган «корхона-коллеж» лойиҳаси ана шундай хайрли ишларни йўлга кўйиш ва ривожлантиришга хизмат қўлмоқда.

Тадбирда устоз-шогирд анъаналарини ривожлантиришга қаратилган замонавий талаблар, тиббиёт коллежларида амалий дарсларни ташкил этиш истиқболлари, даволаш-профилактика муассасаларида тиббиёт коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини ташкил этиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза алмашиди. «Корхона-коллеж» ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш истиқболлари белгилаб олинди.

Ўшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш ва амалий кўнималарини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот технологияларининг ютуқларини чукур ўргатишга қаратилаётган эътибор бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Тиббиёт ўқувчиларининг таълим масканларида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, мутахассислиги бўйича тажрибасини ошириш мақса-

Гулбахор ҲАЗРАТҚУЛОВА.

● Ибн Сино ўйтлари

Кимки семирмоқчи бўлса ва ўт тикилиши иллатига мойил бўлмаса, ҳаммомга овқатдан кейин борсин.

Билгинки, нон ҳазм бўлмаса, зарари кўпdir, ҳазм бўлмаган гўштнинг зарари ундан камроқdir.

Ёмғир яхши сувлар сирасига киради (хусусан, у ёзда момоқалдирикли булутлардин ёғон бўлса).

Таомни фақат иштаҳа ила емоқ ва иштаҳани қайтармаслик лозим.

Бедорлик чўзилса, уйку қочиб дилғашлик ва безовталик келиб чиқади.

Уйқусизлик рухни синдиради, баданни озириди, кўрк ва рангларни бузади.

Кўрқинчли ва эсда қолмайдигон тушлар, кўпинча хўлликка ва совуқликка далолат қиласди.

Балоғатга етмаған болаларни шароб ичишлари, ёнаётғон кучсиз ўтиннинг алангасига аланга қўшмоқ кабидур.

Юракка шодлик берувчи ва қувватлантирувчи жамики дорилар тарёкли хусусиятига эгадур. Аммо жамики тарёкли дорилар ҳам шодлантирувчи бўлавермайди, чунки аларнинг аксари жуда иссиқлик саналадур.

далиги, нафас олишда қўшимча мушакларнинг қатнашиши, оғиз бўшлиғи ва юқори нафас йўлларини кўздан кечириш.

Чоралар - зарурят бўлса юмшоқ мато билан оғиз бўшлиғи ва юқори нафас йўлларини қусук массаларидан бўшатиш, бемор бошини ён томонга айлантириш.

Турғун қон айланниши назорат қилиб туриш - АҚБ 200/120 мм. сим. уст. тенг бўлса, тил остига нифедипин 20 мг кўллаш тавсия қилинади.

Тутқаноқ синдромини олдини олиш м/о га 2,0-4,0 мл диазепам юбориш орқали эришилади.

Шифохонага ётқизиш учун кўрсатма

БМҚДЎБ билан барча беморлар имконият даражасида касаллик бошлангач 3 соат давомида шифохонага юборилиши шарт. Бемор 6 соатдан кам вақт давомида шифохонага ётқизилганда инсультдан кейинги ўлим кўрсаткини бир сутқадан сўнг ётқизишга нисбатан уч баробар камдир.

БМҚДЎБ билан коматоз ҳолатдағи bemорлар интенсив терапия хоналарига ёки PTT реанимация бўлимларига ётқизилиши шарт.

Инсультдан кейинги қайта тиклаш УАШ назорати остида олиб борилади

1. Имконият бўлса нутқни тиклаш мақсадида логопед билан шуғулланиш, кўл ва оёқларда юриш вақтида ҳаракатларни яхшилаш учун даволочи жисмоний ҳаракатлар тавсия қилинади, меҳнат терапияси кундаклик кўнимиларни тиклашга ёрдам беради. Касаллиқдан сўнг бошланғич вақтларда оила аъзолари ёки тиббиёт ҳамширасининг парвариши талаб қилиниши мумкин.

2. Қайта инсульт профилактикаси: доимий равишда кунига 75 мг аспи-

рин қабул қилиш, тана вазнини камайтириш, гипохолестеринли пархез, АҚБ ва қондаги қанд миқдорини назорат қилиш.

3. Депрессия билан курашиш. Ҳар бир беморда ўтказилган инсультга нисбатан психологик реакция ривожланади, айрим беморларда - тушкунлик ҳолати бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда шунга мос равишида даволаш чоралари кўрилади (депрессияни даволашга қаранг).

Бош мия қон айланнишининг ўткинчи бузилиши

Ўтиб кетувчи мия қон айланнишининг бузилиши - 24 соат ичидаги ўтиб кетувчи бош мияда қон айланнишининг бузилишишидир.

Сабаблар: бош мия томирларидағи девор олди тромблари, мия томирларининг стенози ёки ангиопазми. БўМҚБдан сўнг мия қон айланнишининг ўтиб бузилишириш мумкин, шунинг учун дарҳол кўрсаткини бир сутқадан сўнг ётқизишга нисбатан уч баробар камдир.

Асосий симптомлар: кўлларда яққол намоён бўлувчи гемипарез ёки гемипарестезиялар, юз мимика мушакларининг холисизлиги, афазия, ўтиб кетувчи кўрлик, бош айланниши, қисқа муддатли хотиранинг йўқолиши.

УАШ тактикаси: гемипарез бўлса - неврология бўлимига ётқизиш; юқорида айтиб ўтилган белгилар яққоллигининг камайишида - невропатолог маслаҳати ва шифокор томонидан ўйда кузатув олиб бориши.

Даволаш

1. АҚБ даражасини, тана вазнини гиперхолестеринемияни коррекция килиш, чекишига қарши кураш. 2. Аспирин - доимий равишда овқатдан сўнг кунига 75-150 мг қабул қилиш.

3. Аспирин қабул қилишга қарши кўрсатмалар бўлишида - дипирида-

мол 200 мг кунига 2 маҳал тавсия қилинади.

4. Инсульт ривожланишининг юқори даражадаги хавфи бўлса - ҳар куни клопидогрел буюрилади.

Бош миянинг сурункали ишемияси

(дисцикулятор энцефалопатия)

Мия қон айланнишининг бузилишишида бош миянинг кўп шаклли заараланиши кузатиладиган ҳолатдир.

Клиник кечиши З асосий симптомлар инфиниси билан намоён бўлади: субъектив ва объектив неврологик симптомлар, руҳий бузилишлар.


Субъектив неврологик симптомларга бош оғриғи, бош айланниши, бошда шовқин, ақлий чарчаш, хотиранинг пасайиши, уйқунинг бузилиши хос. Объектив неврологик симптомлар псевдобульбар, вестибулоатактик, амиостатик ва пирамидал синдромларининг ривожланиши билан намоён бўлади. Руҳий ҳолатнинг бузилиши секин-аста деменцияга айланади.

Бундай беморларни олиб бориши тактикасида дисцикулятор энцефалопатияни эрта ташхислаш ва даволаш чораларини ўз вақтида бошлаш жуда муҳимдир.

Даволаш АҚБ даражасини, қондаги қанд ва холестерин миқдорини меъбрлаштиришга қаратиландир. Бу аспирин (кардиомагнил, тромбоасс), ноотроп препаратлар (ноотропил, пирацетам, фенотропил), томирларни кенгайтирувчи воситаларни (кавинтон, сермион, актовегин) ўз ичинча олади.

Невропатолог маслаҳати тавсия қилинади.

«Умумий амалиёт врачи қўлланмаси»дан олинди.



БОШ МИЯ ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ

Бош мия қон айланишининг үткір бузилиши

Бош мия қон айланишининг үткір бузилиши (БМҚАЙБ) - мия қон айланиши бузилиши натижасида неврологик симптомларнинг тұсатдан келиб чиқышидір. Күпинча 50 ёшлардаги аёлларда, қышлоқ ахолиси орасыда урайды. Ишемик ва геморрагик инсульттарнинг учраш нисбати 3:1 ни ташкил қылады. Ўлим күрсаткичи - 17,4%, ногиронлик - 83,8%ни ташкил қылады.

Хавф омиллари: катта ёшдагилар, артериал гипертония, ЮИК, қанды диабет, чекиш, наслий мойилдик, гиподинамия, КОК қабул қылиш.

Таснифи

1. Бош мия қон айланишининг үткінчи бузилиши (БМҚАЙБ) қыска вақт давом этувчи мия ишемияси билан харakterланиб, бунда келиб чиқуучи неврологик белгилар 24 соат ичидә түлиқ йўқолади.

2. Неврологик белгиларнинг нисбатан турғун сақланиши (24 соатдан 1 ҳафтагача) кичик инсультни ташхислаша асос яратади.

3. Неврологик белгиларнинг сеқин-аста кучайиб бориши авж олиб боруучи инсульттарга хос бўлиб, булар геморрагик ёки ишемик бўлиши мумкин.

Ишемик ва геморрагик инсульттарни қиёсий ташхислаш

Геморрагик инсульт	Ишемик инсульт
Ёшлар ва ўрта ёшдагилар	Ёши катталар
Артериал гипертензия	ЮИК, ҳилпилловчи аритмия, юрак нуқсонлари, юрак етишмовчилиги
Жисмоний ёки эмоционал юкламадан сўнг тұсатдан бошланиши	Сеқин-аста бошланиши, күпинча кечаси кузатилади
Умумий мия белгиларининг ўчогли неврологик белгилардан устун келиши	Ўчогли неврологик белгиларнинг касаллик бошланишидан бошлаб устунлик қылиши
Касаллик бошланишида хушнинг гангиши ва кейинги авжланиб бориши	Бир оз хушнинг бузилиши билан кейинги умумий ахволнинг яхшиланиши
Тез-тез кузатиладиган менингиал белгилар, психомотор кўзгалишдир	Нервлар функциясининг тушиб қолиш белгилари устунлик қылади

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

● Яқында Москва шаҳрида кимё фани бўйича 45-халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг йигирмага яқин давлатлари қаторида юртимиз ўкувчилар жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди.

● Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига вазирлик тизимидағи табий фанларга ихтисослашган академик лицейлардан ушбу танловда фахрли ўринларни эгаллаб қайтган ўкувчилар билан учрашув ташкил этилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигинг биринчи ўринбосари А.Алимов таъқидлаганидек, Президентимиз Ислом Каримов томонидан истиқоллининг дастлабки йилларидан замонавий билим ва касб-хунарларни мукаммал эгаллаган, юртимизнинг истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Ёшларга замонавий талаблар даражасида пухта билим бериш, касб-хунар эгаллаши, илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ўзлигини намоён этиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизими ташкил этилгани, таълим масканларининг моддий-техника базаси доимий тақомиллаштирилаётгани ёшлар камолотида мухим аҳамият касб этмоқда. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз ўқиши, изланиш, илмий тадқиқот ва ижодий маҳоратда юксак натижаларга эришмоқда. Миллий ва халқаро танловлар, фан олимпиадалари, турли спорт мусобақаларида совриндор бўлаётган ёшларимиз сафи тобора кўпаймоқда.

М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида бўлиб ўтган 45-халқаро Менделеев олимпиадасида Соғлиқни сақлаш вазир-

лиги тизимидағи Тошкент тибиёт академияси, Тошкент педиатрия тибиёт институти ва Тошкент фармацевтика институтлари қошидаги академик лицейларидан бир гурӯҳ иқтидорли ёшлар иштирок этиб, Ватаннимиз шаънини муносиб ҳимоя этилдилар.

Тошкент педиатрия тибиёт институти қошидаги тибий фанларга ихтисослаштирилган академик лицей

эришдим. Бундай ютукларни ўз-ўзидан кўлга киритиб бўлмайди, албатта. Бунга юртимизда тараққий этган мамлакатлардаги каби замонавий таълим тизими яратилгани туфайли эришдик. Бизнинг ушбу ютуғимиз Президентимизнинг биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам деган сўзларининг бир тасдиғи бўлди, деб ўйлайман.

Ёшларнинг бундай ютукларга эришишида устозларнинг ўрни катта. Шу боис ўкувчиларнинг устозлари «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони ва фахрий ёрликлар билан тақ-



дирландилар. Олимпиадада мувоффақиятли иштирок этган иқтидорли ўкувчиларга совға тариқасида ноутбуклар топширилди.

Тадбир ниҳоясида танлов голибларига сўз берилди ва ўз ўрнида улар тенгдошларига таълим жараённанда замонавий ахборот технологиялардан оқилона фойдаланиш ва танловга тайёргарлик жараёнлари, халқаро танлов қоидалари, тадбирдан олган таассуртлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Масъуда ТУРАХАНОВА.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

● Инсон саломатлигини муҳофазалашда малакали шифокорлар билан бир қаторда маҳоратли ҳамширларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Уларнинг шарафли ва масъулиятли касбини эъзозлаш, ҳамширалик иши асосларини такомиллаштириш, тизимдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш касбга хурмат кўрсатиш мақсадида 12 май - Халқаро ҳамширлар куни сифатида бутун дунёда нишонланади.

● Шу муносабат билан Республика Шошиликч 12 май куни байрам анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўкув юртлари Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Матлуба Алимова, Ўзбекистон Ҳамширлар Асоциацияси раиси Рихси Салиходжаева, Қорақалпостон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Соғлиқни сақлаш тизимидағи муассасалар ҳамширларни ҳамда тибиёт коллежлари ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Ҳамширлар Асоциацияси раиси Рихси Салиходжаева таъкидлаганидек, юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тибиётнинг барча бўғинлари қатори ҳамширалик ишини ривожлантириш ва ҳалқимизга кўрсатилаётган хизмат сифатини юксалтиришда ҳам юксак самаралар берадиган.

Бугунги кунда юртимиздаги тибиёт муассасаларида икки юз саксон мингдан зиёд ўрта тибиёт ходими аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг малакасини ошириш, замонавий тибиёт технологияларни ва даволашнинг янгича ёндашувларини ҳамширалик ишига кенг татбиқ этиш мақсадида кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳамширларнинг даволаш жараёндаги фаоллигини ошириш, ўз маҳоратини тўла намоён этишига имкон яратиш мақсадида олий маъ-

● М. Алимова йиғилганларни касб байрамлари билан самимий табриклиди ва қатор ҳамширларни «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фахрий ёрликлари ва суваларини топширди.

лумотли ҳамширлар тайёрлаш тизими йўлга кўйилган ва айни пайтда бир ярим мингдан зиёд ана шундай малакали мутахассислар ҳалқимизга хизмат кўрсатмоқда.

Олий маълумотли ҳамширларни магистр мутахассислар амалий ишлар билан бир қаторда фаннинг илмий асосларини такомиллаштириш юзасидан ҳам самарали изланиш олиб бормоқда.

Ҳамширларни магистр мутахассислар амалий ишлар билан бир қаторда фаннинг илмий асосларини такомиллаштириш юзасидан ҳам самарали изланиш олиб бормоқда.

Ҳамширларни магистр мутахассислар амалий ишлар билан бир қаторда фаннинг илмий асосларини такомиллаштириш юзасидан ҳам самарали изланиш олиб бормоқда.

- Мен ҳар гал чақирилган жойга отланар эканман, тибиёт ёрдамга муҳтоҷ бўлаётган инсонларнинг дардини ўз танамдан ўтказаман, - дейди Д. Тиллаева. - Уларнинг ахволини хаёлан тасаввур этаман, уларни руҳий ҳамда жисмоний жиҳатдан вазиятдан чиқаришга ўзимни тайёрлайман. Энг замонавий тибиёт технологияларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қила-

ёрдам станциясига қарашли 11-сон кўйи станция ҳамшираси Дирабо Тиллаева. - Кейинги йилларда иш шароитларимиз яхшиланни, касбимизга эътибор кучайиб бормоқда. Масалан, биз ишлайдиган маҳсус реанимация бригадаси замонавий тибиёт асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган. Шифокор ва ҳамширларимизнинг маҳорати юкори. Ҳар қандай ҷақириққа ўз вактида етиб бориши ва малакали тибиёт ёрдам кўрсатишига тайёрмиз.

Айтиш жоизки, тибиёт хизматни ташкил этишда ҳамширларнинг ўрни ҳамиша ажralиб туради. Чунки, бирор дард ёки баҳтисиз тасодиф туфайли ахволи оғирлашган беморнинг соғайиши аввало унинг руҳий ҳолатига боғлиқ. Бу вазифани бажариш ҳамшира зиммасига тушади. Дирабо Тиллаева ҳам ўзининг кўп йиллик фаолияти мобайнида ушбу масъулиятли вазифани ҳамиша юкори савида бажарип келаётган саломатлик посбонларидан бири. Бу йилги байрам унга катта шодиёна келтириди. Д. Тиллаева ҳалқаро ҳамширлар байрами муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълоҳиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

- Мен ҳар гал чақирилган жойга отланар эканман, тибиёт ёрдамга муҳтоҷ бўлаётган инсонларнинг дардини ўз танамдан ўтказаман, - дейди Д. Тиллаева. - Уларнинг ахволини хаёлан тасаввур этаман, уларни руҳий ҳамда жисмоний жиҳатдан вазиятдан чиқаришга ўзимни тайёрлайман. Энг замонавий тибиёт технологияларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қила-



ГИПЕРТОНИЯ

Г. АБДУРАУПОВА,

Главный врач Центральной консультативно-диагностической поликлиники
Министерства здравоохранения Республики Узбекистан

● Артериальная гипертония является одним из самых распространенных неинфекционных заболеваний и важнейшей медико-социальной проблемой во всех странах мира. Поэтому по инициативе Всемирной лиги борьбы с гипертонией 14 мая ежегодно проводится Всемирный День борьбы с этим «Тихим убийцем», как называют эту болезнь.

Нередко симптомы начинающейся гипертонии совпадают с признаками общего переутомления. Именно поэтому об этом заболевании человек узнает только в критическом состоянии. У большинства людей гипертония протекает многие годы почти незаметно. Между тем, стойкое бессимптомное повышение артериального давления не исключает прогрессирование заболевания и развитие опасных для жизни осложнений, таких как кровоизлияние в мозг, инфаркт миокарда, сердечная и почечная недостаточность, поражение сетчатки глаза с потерей зрения.

В большинстве случаев гипертония передается по наследству. Риск развития гипертонии имеется и у людей, с избыточной массой тела злоупотребляющих сладкой и жирной пищей, алкоголем, сигаретам. Кроме того, к гипертонии могут приводить частые стрессы и нервное напряжение.

В начале симптомы гипертонии нередко списываются на обычную усталость. Эпизодическая головная боль, ухудшение памяти, повышенная утомляемость. После отдыха эти симптомы малозаметны для человека. И нередко с этими изменениями человек живет годами, не обращаясь к врачу. Со временем симптомы болезни становятся все навязчивее. Может появиться шум в ушах, потливость, покраснение лица, мушки перед глазами, отеки по утрам, одутловатость лица. Основными симптомами артериальной гипертонии являются головокружение, головные боли, тошнота и рвота, перебои в ритме сердца и периодическое замедление или учащение пульса. Однако достаточно часто повышенное артериальное давление никак не ощущается.

Уровень знаний населения в области профилактики артериальной гипертонии - один из значимых факторов, от которого зависит активность населения в сохранении здоровья и изменении поведения (отказ от вредных привычек и формирование здорового образа жизни). Очень важно, чтобы образование населения проходило совместно с обучением навыкам измерения артериального давления.

Необходимо каждому регулярно контролировать артериальное давление: раз в год - если оно раньше никогда не повышалось, и так часто, как советует врач, - если давление уже повышено. Если же у Вас артериальная гипертония, то необходимо соблюдать некоторые правила при приеме лекарств:

Назначение лекарственных препаратов, снижение их доз, частичная или полная отмена возможны только по согласованию с врачом.

Принимать лекарства необходимо каждый день, не зависимо от того, повышенено давление или нет.

Медикаментозное лечение должно сочетаться с немедикаментозным, не отказывайтесь от него. Держите давление под контролем. Советуем приобрести тонометр и

научиться правильно измерять давление. Не заменяйте самовольно привычное лекарство на новое, рекомендованное знакомыми, друзьями. Посоветуйтесь с врачом, обсудите, даст ли замена какие-либо преимущества в вашем случае. Регулярно консультируйтесь с лечащим врачом и к каждому визиту готовьте «досье на лекарства», внося в него значения артериального давления.

Для того чтобы снизить риск осложнений артериальной гипертонии, нужно придерживаться нескольких советов:

- Правильно питайтесь - уменьшите потребление животных жиров, рафинированных продуктов, мучных, кондитерских изделий, соли до 4-5 г (не более 1 чайной ложки), жидкости до 1,5 л в сутки, включить в диету кисломолочные продукты, творог, рыбу, овощи, фрукты, изюм, курагу, петрушку, укроп, растительные масла (подсолнечное, кукурузное, оливковое, хлопковое).

- Избавьтесь от избыточного веса, соблюдая соответствующую диету, согласованную с врачом. Снижение массы тела пропорционально снижает артериальное давление. Избавление от лишних 5 кг понизит артериальное давление на 5 мм рт.ст.

- Избегайте стрессовых ситуаций, научитесь контролировать свое поведение, эмоции, настроение (помочь Вам в этом может специалист-психолог).

- Откажитесь от курения и чрезмерного употребления алкоголя. Выкурившая сигарета способна вызвать подъем артериального давления. Злоупотребление алкоголем повышает артериальное давление и ослабляет действие медикаментов, снижающих давление.

- Соблюдайте режим дня, отводя на сон не менее 8 часов в сутки.

- 30-40 минут в день занимайтесь физическими упражнениями (утренняя гимнастика, пешие прогулки, различные виды спорта) с контролем самочувствия и цифр артериального давления. Регулярные физические упражнения усиливают кислородный обмен, снижают систолическое артериальное давление не менее чем на 10 мм рт.ст.

Лечение артериальной гипертонии требует длительного времени и терпеливого отношения, как со стороны врача, так и со стороны больного. Каждый пациент должен стать союзником врача в лечении и предупреждении прогрессирования болезни, и тогда будет легче справиться с нею и улучшить качество жизни.

Наша задача - задача медицинских работников - квалифицированно использовать все доступные и необходимые методы и средства гигиенического обучения и воспитания, такие как:

- информирование населения через средства массовой информации (телевидение, радио, печать);

- организация проведения «Дней открытых дверей» в поликлиниках с проведением бесед и консультаций специалистов, а также обучением измерению артериального давления.

- профилактические акции «Научись контролировать свое артериальное давление» в наиболее массовых общественных местах (аптеках, супермаркетах, торгово-развлекательных комплексах и других местах проведения досуга).

Сийдик ажратиш: тез-тез сийиши, сийдик тутилиши - пешобни тутолмаслик	Аёлга тизза-тирсак ҳолати ёрдам беради. А гар пешоб ажратиш оғриқли бўлса, шифокорга мурожаат қилиш даркор.
Ҳомила ҳаракатини сезиш	Ҳомила қимирлашини сеза бошлагандан, ҳомиладорлик муддатини белгилаган маъкүл. Ҳомила қимирлашига эътибор бериш зарур. Ҳаракат фаоллигининг кескин ўзгариши ва 24 соат ва ундан ортиқ вақт давомида ҳомила қимирламаса шифокорга мурожаат қилиш.
Она руҳий ҳолатининг ўзгаришига ҳомила реакцияси	Ким биландир тортишувга киришишдан олдин, бола ҳақида ўйлаш.
Белда оғриқ	Бўғим гимнастикаси ва жисмоний машқлар қилиш фойдали. Масалан, уй юмушларини бажарганда (кир ювиш, овқат пишириш, ҳовли супуриш ва бошқалар) умуртқани эгмасликка ҳаракат қилиш.
Уйқуда ва дам олганда ноқулайлик	Чап ёнбошдаги ҳолат афзал ҳисобланади. Ёстиқ ва ёстиқчалар ёрдамида қулай ҳолатни эгаллашга ҳаракат қилиш зарур.
Қин ажралмалари	Ташқи жинсий аъзолар қуруқ ва тоза сақланиши зарур, тор ички кийим киймаслик лозим. Ҳар бир ҳожатдан сўнг қин даҳлизини ювиш. Бу соҳани ҳўжалик совуни, кўл совуни ва бошқа воситалар таъсиридан сақлаш. Ювениш учун мойчечак, учбурчакли иттиқанак (череда), кўк чой дамламаси ёки илиқ сувдан фойдаланиш мумкин. Агар ажралма ҳидли, бадбўй бўлиб, қичиши билан кечса, сарикяшил рангли ёки қон аралаш бўлса, шифокорга мурожаат қилиш зарур.
Теридаги ўзгаришлар (чўзилишлар)	Ҳомиладорлик давридаги гормонал ўзгаришлар оқибатидир. Туғуруқдан кейин излар қолади, лекин ранги ўзгарида ва анча сезиларсиз бўлиб қолади.
Тошма ва қичишиш	Терини тоза сақлаш керак. Тез-тез чўмилиш зарур. Агар тошма тошиб 2-3 кундан ортиқ сақланса, шифокорга мурожаат қилиш зарур.
Учинчи уч ойлик/триместрда кузатиладиган ўзгаришлар	Тавсиялар
Жигилдон қайнави	Үйқудан олдин ёли, юқори калорияли ва ўткир овқатлардан истеъмол қиласлик. Шунингдек, кам-камдан, тез-тез овқатланиш ёрдам беради. Үйқу вақтида тўшнинг юқори қисми остига баланд ёстиқ кўйиб ётиш тавсия этилади.
Ҳансираш	Тоза ҳавода сайд қилиш яхши ёрдам беради. Агар ҳансираш ухлашга халақит берса, бош ва елкалар тагига ёстиқ кўйиб кўтариш мумкин. Аммо сизга ҳаво етишмаса шифокор билан маслаҳатлашиш даркор.
Оёқдаги томир тортишиши	Қон билан таъминланиши яхшиланиши учун дарҳол оёқни кўтариб, оғриқли жойини чуқур уқалаш керак. Агар тортишиш қайта-қайта тақрорланса шифокорга мурожаат қилиш керак.
Бош оғриғи	Тез-тез бош оғриши қон босимининг ошиши ёки юрак касаллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шифокорга мурожаат этиш лозим.
Хушдан кетиш	Кўпинча орқа билан ётганда рўй беради, чунки бачадон оғирлиги бош артерияни босади ва қон босимини тушишига олиб келади. Тезда ёнбошга ётиш зарур.

Патронаж/оилавий ҳамширалар учун услубий қўлланмадан олинди.

(Давоми бор.)



● Суратда: «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аъло-чиси» кўкрак нишони билан тақдирланган ҳамширалар.

ман. Мен шарафли ва масъулиятли қасбимизни эъзозлашга давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибордан, яратилаётган кенг-кўламли шароитлардан ниҳоятда мамнунман. Бундай эътибор бизни янада фаолроқ ишлашга ундаиди.

Ҳалқаро Ҳамширалар ташкилоти бу йилги Ҳалқаро Ҳамширалар кунини «Ўзбекистон таъминлаш - имкониятларни кенгайтириш ва тенгсизликни бартараф этиш» шиори остида нишонлаш ташаббуси билан чиқди. Бу аҳоли саломатлигини асрарда ҳамшираларнинг ўрни ва ролини ошириш, малакасини ошириш доимий ўқиб-изланиши ва ўз устида ишлаши учун зарур шароитлар яратиш foясини ўзида ифода этади. Мамлакатимизда бу йўналишдаги вазифаларни ҳал этишнинг мустахкам механизми яратилмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда ҳамширалик ишни янада ривожлантириш ва малакали ҳамширалар тайёрлаш мақсадида қасб-хунар коллежларида «корхона-коллеж» ҳамкорлик лойиҳаси амалга оширилаётгани юксак самаралар берадётir. Лойиҳа доирасида тибиёт коллежларининг 2 ва 3 босқич ўкувчилари даволаш-профилактика мусассасалари ҳамшираларига «устоз-шогирд» анъанааси асосида биритириб кўйилмоқда. Мазкур жараён иш берувчи идораларнинг масъул ходимлари томонидан мувофиқлаштирилмоқда.

- Мен «устоз-шогирд» анъанааси асосида дарсдан бўш вақтларимда Республика шошилинг тибий ёрдам илмий марказининг реанимация қабул

бўлимида амалиёт ўтмоқдаман, - дейди пойттахтимиздаги П.Боровский номли тибиёт коллежи ўкувчиси Нажмиддин Шамсиев. - Ҳам ишлаб, ҳам ўқиш имконияти юзага келгани ўзимнинг қасбий маҳоратимни синовдан ўтказиш ва келгусидаги ҳаёт йўлимни белгилашда катта имконият бўлди. Мен коллежни тугатиб маълум муддат ишламоқиман. Бунинг учун амалиётчи устозларимнинг синовларидан тўлаконли ўтиш ва ўзимнинг қобилиятимни тўла намоён этишга ҳаракат қиляпман.

Тадбирда аҳоли саломатлигини асрарда ҳамшираларнинг ўрни ва ролини ошириш, малакасини ошириш доимий ўқиб-изланиши ва ўз устида ишлаши учун зарур шароитлар яратиш foясини ўзида ифода этади. Мамлакатимизда бу йўналишдаги вазифаларни ҳал этишнинг мустахкам механизми яратилмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда ҳамширалик ишни янада ривожлантириш ва малакали ҳамширалар тайёрлаш мақсадида қасб-хунар коллежларида «корхона-коллеж» ҳамкорлик лойиҳаси амалга оширилаётгани юксак самаралар берадётir. Лойиҳа доирасида тибиёт коллежларининг 2 ва 3 босқич ўкувчилари даволаш-профилактика мусассасалари ҳамшираларига «устоз-шогирд» анъанааси асосида биритириб кўйилмоқда. Мазкур жараён иш берувчи идораларнинг масъул ходимлари томонидан мувофиқлаштирилмоқда.

- Мен «устоз-шогирд» анъанааси асосида дарсдан бўш вақтларимда Республика шошилинг тибий ёрдам илмий марказининг реанимация қабул

Абдукарим Усманходжаев.

Азиз ҳамширалар!

● Сизларни Ҳалқаро ҳамширалар куни билан чин дилдан кутлаймиз!

Машақатли ва шарафли меҳнатингиз ҳамиша эл эътибори-ю ардоғида эканлигини таъкидлаб ўтишдан мамнунмиз!

Бу йилги Ҳалқаро ҳамширалар куни «Ўзбекистон таъминлаш - имкониятларни кенгайтириш ва тенгсизликни бартараф этиш» шиори остида нишонланмоқда. Бу борада республикамиз тибиёт тизимида тинимсиз хизмат қилаётган ҳамшираларнинг меҳнатлари билан фахрлансан арзиди. Ҳалқимиз саломатлиги йўлида кўрсатадиган билим маҳоратингиз, тажрибангиз билан тибиёт соҳаси ривожига кўшаётган улкан ҳиссангиз юксак эътироға лойик.

Сийрати покизалик, сурати фаришталика монанд соглиғимиз посонлари! Ҳам оила, ҳам жамият тараққиётида ўзининг беминнат хизматини аямай, кеча-ю кундуз килган меҳнатнингиз таҳсинга сазовор.

12 май - бу кун сизнинг байрамингиз. Самарали меҳнатнинг акс этган кун! Ҳамиша мана шу байрамона кайфият, шодиёна умрингизга умр, кучнингизга куч қўшсин.

Шарафли меҳнатнингизга сабитлик, бурчингизга садоқат ҳамиша ҳамроҳ бўлсан. Ўз олдингизга беморларнинг дардига малҳам, қалбига сирдош бўлишни мақсад қилган экансиз, мана шу ээгу ниятингиз баробарида Сизга оилавий хотиржамлик, баҳт-саодат, роҳат-фарагат тилаймиз!

Ҳалқимиз соглиғини янада мустаҳкамлашдек ээгу мақсаднинг амалга ошишида мувaffer-фақият ёр бўлсан. Захматли касбингизнинг фидойиси, фахри бўлиш насиб этсин!

Таҳририят.



ҲАМШИРАЛИК ИШИ БАЁННОМАЛАРИ (ПРОТОКОЛЛАРИ)

● Умумий амалиёт шифокорлари кенг тарқалган 200дан ортиқ қасалликларни даволашлари, қолган 15% қасалликлар бўйича биринчи ёрдам кўрсатишлари ва тор мутахассисларга юборишлари мумкин. Умумий амалиёт шифокорлари чақалоқ, бола, катта ва кекса кишиларнинг танасидаги аъзоларда рўй бериши мумкин бўлган қасалликларнинг асоратланмаган турларига ёрдам кўрсата оладилар.

Ҳамширалар ҳам шундай билим ва кўнижмаларга эгалар, бироқ улар даволаш ҳамда ташхис кўйишга қаратилмаган бўлиб, кўпроқ ҳамширалик парваришига, оила ва жамоатда мижознинг жисмоний, ижтимоий ва руҳий томонларини тўлиқ кўриб чиқадиган муолажаларга йўналтирилган. Оила тиббиёти ва патронаж/оиласий ҳамширалик иши асосан қасалликларнинг олдини олишга, шу жумладан, инсон соғлигини саклаш ва мустахкамлашга қаратилган.

Патронаж/оила ҳамшираси соғликини саклаш тизими нинг фаол аъзоси ҳисобланади. Ҳамшира, мижоз ва унинг эҳтиёжларини ўрганиб, муаммоларни ҳал қилиш чорларини мижоз ва унинг оиласи, шунингдек жамоатчилик билан, шу жамоа аъзоси сифатида мұхокама қилишга ёрдам беради. Даволаш бўйича шифокор кўрсатмаларини амалга оширади. Мижоз ва унинг оила аъзоларига

қасалликнинг келиб чиқиши, даволаниш режаси бўйича маълумот беради ҳамда биргалиқда қасаллиқдан тезроқ соғайиш чораларини ишлаб чиқади.

Ҳамшира мижознинг ахволини кузатиб боради ва кузатиш ҳолатидаги ўзгаришларни қайд қиласди. Мижоз билан учрашиб сұхбатлар ўтказади, уни эшитади, саволларига жавоб берип, ҳиссиётларини бошқаришида, муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Тўғрироғи мижознинг тезроқ тузалишига ёрдам берадиган мухит яратилишида иштирок этади.

Ушбу протоколлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида фаолият кўрсатайтган ҳамширалар иш сифатини яхшилаш мақсадида, «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасининг халқаро маслаҳатчisi ва Соғлиқни саклаш вазирлигининг ҳамширалик иши бўйича мутахассислари томонидан тузилиди. Протоколлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг 23.03.09 йилдаги 80-сонли бўйруғи билан тасдиқланган тиббий ёрдам ҳажми асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу «Ҳамширалик иши протоколлари» нафакат патронаж/оила ҳамшираларига, балки бирламчи тиббий тизимида ишлайдиган шифокорларга ҳамда тиббиёт коллежлари ўқувчиларига ҳам катта ёрдам беради.

АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГИК ҲОЛАТЛАР ВА КАСАЛЛИКЛАР ТУФУРУҚҚАЧА КУЗАТУВ

Патронаж/оила ҳамшираси туфурукқача кузатув мобайнида, она ва бола соғлиғига хавф солувчи белгиларга, хавф факторларига, яъни преэклампсия, қандли диабет, оила аъзоларидан бирортаси юқумли қасалликлар билан қасалланган бўлса, тозаликка эътибори кам оиласларга аҳамият бериши керак.

Ҳамшира томонидан кўрсатиладиган фаолият	Асос
Патронаж/оила ҳамшираси, ўзини ҳомиладорман деб тахмин қилаётган аёлга шифокор ёки доя қабулига боришни тавсия этиши керак. Меърида кечәётган ҳомиладорлик даврида аёл 7 марта (12 ҳафта, 16 ҳафта, 24 ҳафта, 30 ҳафта, 34 ҳафта, 36 ҳафта, 38-40 ҳафта) шифокор қабулида бўлиши лозим. Агар асоратли ҳомиладорлик бўлса, шифокор қайси вақтларда келиши лозимлигини ўзи айтади.	Бу ҳомиладорлик мобайнида она ва болани соғлигини текшириш ва меърий туфурукни таъминлаш учун керак.
Биринчи қабул иложи борича ҳомиладорликнинг эрта даврларида, тахминан ҳомила 10 ҳафталигида ўтказилиши лозим. Патронаж/оила ҳамшираси ҳомиладорлик даврида кўшимча парвариш ҳақида шунингдек ҳомиладорликнинг қасаллик тарихи, олиб борилган таҳдиллар билан таниш бўлиши керак.	Бу она ва боланинг соғлиғига хавф солувчи ҳар қандай ҳолатларда ҳам, уларни бартараф этилиши ёки олдини олиниши мумкинligига ишонч бўлиши учун лозим. Патронаж/оила ҳамшираси ҳомиладор аёлни кузатадиган шифокор ва доя билан биргалиқда фаолият олиб бориши керак.
Патронаж/оила ҳамширасининг хонадонларга қатновлари сони: Патронаж ҳамширалари ҳар 3 ойлик/триместр да 1 марта хонадонларга бориб, ҳомиладор аёллар билан шу вақтга тегишли маълумотларни беришлари шарт! I уч ойлик/триместр - бу ҳомиладорликнинг 1 - 14 ҳафтагача бўлган даври; II уч ойликлар/триместр - бу ҳомиладорликнинг 14 - 28 ҳафтагача бўлган даври; III уч ойликлар/триместр - бу ҳомиладорликнинг 28-40 ҳафтагача бўлган даври.	Патронаж/оила ҳамширасининг хонадонларга қилган қатновлари, шифокор ва доянинг доимий текширишларига тўлдириш бўлади. Аммо, ҳомиладор аёллар соғлиғи ёмонлашганда ёки соғлиғидан хавотирда бўлганда ёки маслаҳат олишга муҳтож бўлганда ҳамшира билан боғланиш учун алоқа маълумотлари (уяли телефон ёки уй телефони рақами, манзили) барча ҳомиладорларда бўлиши керак.

Ҳомиладорлик даврида учрайдиган ўзгаришлар	Тавсиялар
Биринчи уч ойлик/триместрда кузатиладиган ўзгаришлар	Тавсиялар
Сут безларидаги ўзгаришлар: - дағаллашиши, сезигрлигини ошиши; - сўргични катталашиши ва қорайиши.	Сут безларининг бола туғилишига тайёргарлиги оқибати.
Овқат ҳазм қилишдаги муаммолар: - кўнгил айниш; - кусиши; - таъм билишнинг ўзгариши; - айрим маҳсулотларга эҳтиёж сезиши.	Кўпинча кўп суюқлик ичиш ва тез-тез кам-камдан овқатланиш ёрдам беради. Ёғли, аччиқ маҳсулотларни истеъмол қиласлика ҳаракат қилиш. Маҳаллий ўсимлик маҳсулотларини истеъмол қилган маъқул. Агар жуда кўп кусиши кузатилса, шифокорга мурожаат қилиш.
Ич қотиш (қабзият)	Ҳар хил ўсимлик маҳсулотларидан истеъмол қилишга ҳаракат қилиш. Аммо ҳайвон маҳсулотлари эмас. Ҳар хил маҳаллий ва тоза мева ва сабзавотларини, шунингдек оқ навли эмас, балки қора навли ундан тайёрланган нонни истеъмол қилган маъқул.
Ҳорғинлик - тез чарчаш	Тез-тез дам олиш ва тоза ҳавода сайд қилиш.
Тез-тез сийиш	Бачадон катталашиши ва сийдик пуфаги кичрайиши оқибати. Ачишиш ва оғриқ бўлганда врача мурожаат қилинг!
Кайфиятнинг ўзгариши: депрессия даври, жаҳлдорлик	Одатий ишлар билан машғул бўлиш фойдали, фикрларни банд бўлиши учун уйда ёки бошқа жойда иш беришга ҳаракат қилиш. Кайфият ўзгариш жуда кучли бўлса шифокор билан маслаҳатлашиш (иложи бўлса қабулга, турмуш ўртоғи билан келиш).
Терининг айрим соҳаларида пигментация (юзи, кўкраги, қорни ва бошқалар)	Ҳомиладорлик давридаги одатий ўзгариш бўлиб, тугуруқдан кейин йўқолади.
Қоринда оғриқ	Қориндаги давомли кучли оғриқ асоратдан дарак бериши мумкин, бу ҳақда шифокорга хабар бериш керак.
Қон кетиш	Агар қон кетиш тўхтамаса, кўпайса ва оч қизил рангла тус олиб, оғриқ сезиш билан давом этса, тезда шифокорга мурожаат этиш зарур.
Иккинчи уч ойлик/триместрда кузатиладиган ўзгаришлар	Тавсиялар
Бачадоннинг катталашиши	Бачадон туби баландлигини мунтазам ўлчаб бориш, боланинг ривожланиши ҳақида маълумот беради. Ўзингиз шифокор билан маслаҳатлашиб, бачадон туби баландлигини ўлчашингиз мумкин. Бир ҳомилани меърида ҳомиладорликда сантиметрдаги ўлчами, ҳомиладорликнинг 24 ҳафтасидан бошлаб ҳомиланинг гестацион муддатига тўғри келади. Агар бачадон ўлчами ўзгармаса, ҳомиланинг ривожланишидан орқада қолиш белгиси бўлиши мумкин ва шифокор маслаҳатига зарурят туғилади.
Оёқ ва қўллардаги шиш	Имкони бўлганда оёқни кўтариш фойдали. Агар тўсатдан ёки билинарли шиш ва тана вазни тоза ошса, бу ҳақда шифокорга хабар бериш зарур.
Веналарнинг варикоз кенгайиши	Кўп вақтни оёқда ўтказмаслика ҳаракат қилиш. Оёқларни чалиштириб ўтирган маъқул. Шунингдек пошнасиз оёқ кийим ва эластик пайпоқ кийиш ҳам ёрдам беради. Агар веналар оғрикли ва оёқда қичишиш бўлса, шифокор билан маслаҳатлашиш керак.
Бавосил (геморрой) - орқа чиқарув тешиги соҳасида қичишиш ачишиши, ичак бўшагандага оғриқ	Бавосилнинг энг яхши давоси - бу унинг олдини олиш, шунингдек ич қотишни олдини олиш. Ҳайвон маҳсулотларини эмас, балки турли хилдаги ўсимлик маҳсулотларини, шунингдек ҳар хил маҳаллий мева-сабзавотларни истеъмол қиласлика ҳаракат қилиш. Агар оғриқ кучайса шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.